

**Ҳасанов Раҳим**

**АМАЛИЙ БЕЗАК САЊАТИ  
МАШҒУЛОТЛАРИ МЕТОДИКАСИ**

**Ўқув қўлланма**

**Тошкент – 2003**

Ҳасанов Р. *Амалий безак санъати машғулотлари методикаси* (5-7-синф материаллари асосида). *Ўқув қўлланма*. - Тошкент, 2003. 72 бет.

Ушбу ўқув қўлланма олий таълимнинг 5140700 – “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” бакалавр таълим йўналиши бўйича ўқитувчилар тайёрловчи бўлим ёки факультет талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ундан педагогик колледжларни ўқувчилари ва умумий ўрта таълим мактабларининг тасвирий санъат ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин. Қўлланма умумий ўрта таълим мактабларни тасвирий санъатдан давлат стандарти ва дастури ҳажмида билимлар беради. Қўлланмада умумий ўрта таълим мактаблари тасвирий санъат машғулотларининг асосий турларидан бири бадий-безак ишларини ўрганиш методикасига оид материаллар ўз аксини топган. Унда амалий санъат, халқ амалий санъати, ўзбек халқ амалий санъатига оид мавзуларни ўрганиш, турли букюмлар эскизини ишлаш, китобларнинг ички ва ташқи беагаи эскизини ишлаш, уй безак элементлари эскизини ишлашга ўргатиш методикасига доир материаллар берилган. Ўқув қўлланмада бадий (эртак, ҳакоя, дoston в.б.) асарлар асосида иллюстрациялар ишлаш мавзулари ҳам бор. Бу мавзулар кўпроқ графикага таалуқли бўлса-да, қўлланмада улар китобларни амалий безак санъати сифатида баён этилган. Шунингдек, иллюстрациялар ишлаш “Тасвирий санъат” дастурининг “Декоратив композиция” қисмида ўрганилиши тавсия этилган. Шундай экан, иллюстрация ишлашга доир мавзуларни ҳам графика, ҳам амалий безак санъати сифатида ўрганиш мумкин. Қўлланмадаги мавзулар оддийдан мураккабга тамойилида тузилган бўлиб, тахминийдир, ҳар бир ўқитувчи ўз фаолиятидаги шароитдан келиб чиққан ҳолда уларнинг сонини кўпайтириши, машғулотлар мазмунини кенгайтириши мумкин.

Ўқув қўлланма Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан нашрга тавсия қилинган (29 баённома, 12.10.2002 )

**Тақризчилар :** Нязомий номдаги ТДПУ, педагогика фанлари доктори, профессор С. Булатов  
Т.Н.Қори Ниязий номдаги ЎзПФТИ, катта илмий ходим, педагогика фанлари номзоди  
О. Худаёрова

## КИРИШ

Мустақиллик шарофати билан яратилган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” таълим соҳасини ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, юксак маънавият ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтаришни назарда тутди.

Олий ўқув юртларида бўлғуси тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашда тасвирий санъатни ўқитиш методикаси курси алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки, талаба ўқитиш методларини билмасдан туриб умумий ўрта таълим мактабларида дарсларни талаблар даражасида ўта олмайди. Шунингдек, бўлғуси ўқитувчиларнинг мактабларда олиб борадиган амалий машғулотлари ҳам буни талаб этади. Айниқса, талабалар томонидан амалий машғулотлар учун дарс ишланмаларини тайёрлашда ўқитиш методикасига доир адабиётлар ниҳоятда қўл келади.

Бўлғуси ўқитувчилар шунини яхши билишлари лозимки, мактабда амалий безак санъатини ўргатиш бир қатор вазифаларни амалга оширишни назарда тутди:

- ўқувчиларнинг бадний ижодий қобилиятлари ва бадний дидини ўстириш;
- амалий безак санъати юзасидан болалар билимларини кенгайтириш;
- ўқувчиларнинг тасвирий малакаларини ривожлантириш;
- ўзбек халқ амалий санъатининг миллий бадний анъаналари билан таништириш;
- болаларда халқ амалий санъатига меҳр уйғотиш;
- ўқувчиларнинг ахлоқий, меҳнат, эстетик тарбиясига кўмаклашиш;
- ўзбек халқ амалий санъати ва унинг жаҳонга машҳур усталари билан фахрланиш ҳиссини тарбиялаш.

Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитиш методикаси курсида амалий безак санъатини ўрганиш методикаси алоҳида ўринни эгаллайди. 1-7 синфлар учун мўлжалланган “Тасвирий санъат” дастурида “Санъатшунослик асослари”, “Декоратив композиция” бўлимлари мавжуд бўлиб, улар “Ўзбек халқ амалий безак санъати”, “Ўзбек миллий либослари” мавзуларида суҳбат ўтказиш, турли буюмлар учун йўлсимон, квадрат, тўртбурчак, доира шаклида нақшлар ишлаш, идиш-товоқ, кийим-кечаклар, китобларнинг ички ва ташқи беағи учун эскизлар ишлаш, адабий асарлар учун иллюстрациялар тайёрлашга доир мавзулар берилган. Эскизлар ишлашга доир топшириқларнинг барчаси ёшларда ижодий қобилият ва фантазияни ўстиришга қаратилган бўлиб, уларнинг бадний фикр доирасини кенгайтириш ва бадний дидини ўстиришга хизмат қилади.

Мазкур қўлланма фақат амалий санъатни ўқитиш методикасини ўрганишда фойдали бўлибгина қолмай, балки талабаларнинг 3-4 курслардаги

дарс бериш амалиётида ҳам қўл келади. Бунда талабалар дарс ишланмаларидан дарс конспекти сифатида фойдаланар эканлар, унга ижодий ёндошувлари, дарснинг вазифалари, жиҳозланиши, уни ташкил этишга доир қўшимчалар киритишлари керак бўлади. Ўқувчилар бу материаллардан фойдаланишларида ўзлари яшаётган туман, шаҳар, вилоятнинг маҳаллий материалларига, маҳаллий амалий санъат усталарининг миллий бадиий анъаналарига таяниб иш тутсалар машгулотлар самарали бўлади.

Маълумки, Ўзбек халқ амалий санъати жуда қадимий санъат тури бўлиб, халқимизнинг кундалик турмуши билан кенг ва чамбарчас боғланган. Шу билан бирга у мамлакатимизда қадимдан ривож топган ҳамда жаҳонда шуҳрат қозонган. Ўзбек халқи, шу қатори болалар ҳам бундан фахрланишлари лозим, чунки у уларда миллий ғурур шаклланишига хизмат қилади.

Ўзбек халқ амалий санъатининг бу муҳим хусусиятларидан фойдаланиб, ҳар бир талаба ўз фаолиятида бу масалаларга алоҳида эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ҳар бир машгулот учун тавсия этилган иллюстрациялар тахминий бўлиб, улар зарур бўлган кўргазмалардан айрим намуналар, холос.

Дарс самарали бўлиши учун ҳар бир ўқитувчи кўрсатилган намуналар билан чегараланиб қолмаслиги лозим, имкони борича уларни бойитиб бориш машгулотларнинг қизиқарли бўлишига ёрдам беради. Бунга ўзбек амалий санъатида етарлича материаллар бор.

## АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Амалий – бадий безак санъати – санъатнинг театр, кино, мусиқа, тасвирий санъат турлари қатори мустақил аҳамият касб этади. У ўз номига кўра амалиётда, яъни турмушда қўлланиладиган безак санъати маъносини англатади. Амалий- бадий безак санъати турли хил буюмлар, кўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари, ишлабчиқариш корхоналари, ўқув-тарбиявий муассасалар, спорт ва маданий иншоотларни безатиш билан боғлиқдир. Шунингдек, у кийим-кечаклар, заргарлик буюмлари безагини ҳам ўз ичига олади. Амалий-безак санъати кишилар турмушида шунчалик кенг қўлланиладики, усиз турмушни тасаввур этиш қийин.

Амалий-бадий безак санъати идиш-товоқлар, кийим-кечаклар, мебель, интерьер, экстерьер безаги, газмоллар безаги ва бошқа турли безакларда қўлланади. Амалий-безак санъати ниҳоятда қадимий бўлиб, у кишиларнинг меҳнат фаолиятлари ва эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган, санъатнинг бу турининг дастлабки намуналари тош асрида пайдо бўлган деб тахмин қилинади. Уйғониш давригача у уй ҳунари шаклида, кейин халқ бадий ҳунармандчилиги тариқасида шаклланди. Шаҳарларда амалий-безак буюмлари махсус корхоналарда ишлаб чиқиладиган бўлди. Аста-секин халқ ҳунармандчилиги буюмлари орасида юксак бадий савияда ишланганларни ҳам пайдо бўлди. Натижада, улар амалий санъат намуналарига айландилар. Турмушда фойдаланиш учун тайёрланадиган буюмларнинг барчаси амалий санъатга киради деб бўлмайди. Турмуш учун мўлжалланган кийим-кечак, идиш-товоқ амалий санъат буюмига айланиши учун уларга маълум талаблар қўйилди. Яъни, улар юксак бадий савияда бажарилиши лозим. Бунда уларнинг тузилиши, шакли, безак композицияси, ранглари, материали назарда тутилади. Бу талабларга жавоб бермаган тақдирда, улар ҳунармандчилик буюми қаторидан ўрин олади. Шунингдек, тикув машиналари ёрдамида тайёрланадиган буюмлар ҳам амалий санъат намуналари бўла олмайди. Чунки, улар юқоридаги талабларга тўла жавоб беролмайди.

Жаҳондаги ҳар бир халқнинг ўзига хос амалий-безак санъати бор. Масалан, Хитойда чиннисозлик, Россияда матрешка ўйинчоқлар ясаш. Туркменистонда гиламчилик, Болтиқ бўйи мамлакатларида дастурхон ва сочқлар тикитиш, Ўзбекистонда эса кулолчилик, мисгарлик, чиннисозлик, каштачилик тараққий этди. Шуниси диққатга сазоворки, амалий-безак санъатида ҳар бир буюمنى тайёрлашда ҳар бир халқ ўз материали, ўз технологияси, иш услублари, безак гуллари ва рангларини қўллайди.

Амалий-безак санъатининг асосий мақсади кишилар яшайдиган муҳитни ва ўзини ўраб олган буюмларни чиройли қилишдан иборат. Санъатнинг бу турида гўзаллик ва қўлланиш (фойдалилик) бирлиги деган ибора бор. У буюмларни фақат турмушда қўлланилгандагина гўзал бўлиши мумкинлигини билдиради. Ҳатто, айрим буюмлар безаксиз бўлганда ҳам

ғўзал ва бадий бўлиши мумкин. Бунда бу буюмнинг шакли ва материали катта аҳамият касб этади. Ўзингиз тасаввур этиб кўринг, бирон бир уста ниҳоятда ажойиб бир шаклдаги, гузилишдаги, рангдаги, безакдаги буюмни яратган. У ҳар жиҳатдан кишилар эътиборини ўзига тортди. Лекин, ундан амалиётда фойдаланиб бўлмаса, у нарсани ғўзалиги ҳам бўлмайди. Масалан, пиёлани челақдек катталикда ниҳоятда безакдор қилиб ишланса, ундан ҳеч ким фойдалана олмайди. Яъни, у чиройли бўлиши мумкин эмас. Амалий-безак санъатида шакл муҳим аҳамият касб этади. Агарда буюм ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ ишланса-ю, уни шакли топилмаса у ҳам чиройли ёки бадий ҳисобланмайди. Масалан, палов учун мўлжалланган сопол лаганни тоғора ёки челақ шаклида ишлаш мумкин эмас. Чунки, у лаганни вазифасига мос тушмайди. Паловни тоғорадан қўл билан олиб ейиш маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам амалий-безак санъати буюмини яратишда буюм шаклини, унинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда тайёрланиши лозим.

Амалий-безак санъати буюмларини тайёрлашда уни материални тўғри танлаш катта аҳамият касб этади. Масалан, лаган ва пиёла ёғочдан, хонтахта ва курсиларни тошдан, кийим-кечакларни лой ёки ганчдан тайёрлаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, бу материаллар шу буюмларнинг вазифасига мос келмайди. Айтайлик, идиш-товоқлар тайёрлашда уста, унга озиқ-овқат ёки ичимлик солинишини ҳисобга олиши лозим. Уста лаган тайёрлайдиган бўлса, уни металдан ёки тошдан тайёрламайди. Чунки, лаган металдан тайёрланса биринчидан оғир бўлади, иккинчидан унга сузилган овқат тез совуб қолади. Уни ювиш ва тозалаш ҳам маълум қийинчиликларга эга. Амалий санъатда усталар ясаладиган буюмнинг вазифасига қараб, мавжуд барча материаллардан фойдаланадилар. Улар тупроқ, тош, суюқ, ёғоч, газмол, ганч, металл ва бошқалар. Сунги вақтларда синтетик материаллар ҳам кенг қўлланилмоқда.

Амалий-безак санъатини рангсиз тасаввур этиш қийин. Айрим усталар буюм материалига (масалан, ёғочга) ишлов бериб, уларнинг таъсир кучини оширсалар, бошқа усталар бўёқлар ёрдамида буюмларга ранг бериб уларнинг кўркини очадилар. Амалий-безак санъати буюмларига ранг беришда усталар юқорида қайд қилинганидек, уларнинг вазифасидан, ишлатилган материалларидан келиб чиқадилар. Шунингдек, буюмлар қайси мақсадда кимлар учун, қайси вақтда, қасрда ишлатилишига қараб ранг танлайдилар. Масалан, кийимлар учун ранг танланганда, улар қайси жинсдагилар, қайси ёшдагилар, қайси вақтда кийилиши (байрам, тўй кунлари, мотам кунлари, хизмат вақтида в.б.) га эътибор берилади. Масалан, байрам ва тўйларда кийиладиган кийимларда қувноқ ва жарангдор ранглар ишлатилса, кундалик кийимларда вазминлик, хотиржамлик ҳисларини уйғотувчи ранглар қўлланилади. Касалхона интеръерини безашда қўлланилган ранглардан ўқув юртлари ёки ўқув муассасаларини безашда фойдаланиб бўлмайди. Чунки, ранглар одамларга турлича таъсир кўрсатадилар. Шу мақсадда касалхоналарнинг безагида кўпроқ касалларни тинчлантирувчи, сизил, тиниқ ранглар ишлатилса, ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида кишиларни ҳажжонлантирувчи, тетиклаштирувчи, жонлантирувчи ранглар қўлланилади. Байрам кунлари кийимларини

тайёрлашда уларга илиқ рангларни берилишининг сабаби кийимларни кўрган одамларда кўтарингилик, қувонч ҳосил қилиш назарда тутилади. Кундалик кийимларда бундай ранглار ишлатилса, улар одамларни тез чарчатади ва безовталантиради. Хуллас, ранглар шундай кучга эгаки, ҳаттоки қамоқхона деворлари ёрқин, енгил илиқ ранглар билан бўялган тақдирда у кишиларда қамоқхона эмас, маданият муассасасининг биносига кирилгандек таасурот қолдиради.

Амалий - безак санъати буюмларида яна бир муҳим жиҳат-уларнинг ўлчовлари ҳисобланади. Бу деган сўз амалий-безак санъати буюмини яратувчи ҳар бир уста яратилажак буюмнинг вазифасини эътиборга олиб, унинг ўлчовини тўғри олишлигини билдиради. Хусусан, чойнакни хумдек катталиқда, сўзанани дастрўмолдек ёки аёллар тақинчоқлари солинадиган қутичани сандиқдек ўлчовда яшаш мумкин эмас. Акс ҳолда, улар фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолади.

Шундай қилиб, амалий санъат буюмлари уларнинг вазифаси, шакли, безаги, материали, ранги, ўлчовларига риоя қилишни талаб этади. Шундагина, бу буюмлар кишиларни ҳаяжонлантиради, тўлқинлантиради ва уларга завқ бағишлайди.

Ҳозирда амалий-безак санъати икки йўналишда ривожланмоқда:

1. Бадий ҳунармандчилик. Бу йўналишга айрим корхона, завод, фабрикалар киради, Бухородаги зардўзлик буюмлари, Хивадаги гиламдўзлик, Риштондаги сополсозлик корхоналари шулар жумласидандир.

2. Халқ амалий-безак санъати. Бу йўналишда асосан мустақил равишда иш олиб бораётган усталар маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

Биринчи йўналиш бўйича бадий буюмлар ишлаб чиқариш корхоналарида кўп нусхада тайёрланса, алоҳида усталар фаолиятида буюмлар сони ниҳоятда чегараланган бўлади. Бу эса уларнинг бадийлигини юқори бўлишлигига олиб келади. Бундай корхоналар мебелсозлик, пичоқчилик, кашгаччилик соҳаларида ҳам бор.

Халқ амалий санъати ҳар бир халқда мавжуд бўлиб, улар бир-бирларидан юқорида қайд қилинганидек, амалий санъатнинг жанрлари, буюмлар тайёрлашда қўлланадиган материали, шакли, тузилиши, ранги, безаги, ўлчовлари жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қилади.

Халқ амалий санъатининг яна бир муҳим характерли белгиларидан бири бу минг йиллар давомида халқ усталари ижодида қўлланиб келинган бадий анъаналар ҳисобланади. Бу хусусият кўпроқ ҳар бир халқнинг у яшаётган муҳит, табиати, иқлим шароитларига боғлиқ бўлади. Чунки, амалий санъат устаси ўз асарини яратаётганда у гўзалликни теварак-атрофдан, табиатдан олади. Масалан, ўзбек халқ усталари ўз ишларида тойчоқ, кўзичоқ, товус тасвирларини, шимолий ўлкаларнинг усталари буғу, кийик тасвирларини ишлайдилар. Асар материалга эса ўзбек усталари ганч, лой, мис кабиларни, шимолий халқлар ёғоч ва ҳайвон суякларини кўпроқ ишлатадилар. Юқорида қайд қилганимиздек, асар колоритига иқлим ҳам таъсир кўрсатади. Шимолий ўлкалар иқлими совуқ бўлгани учун у ердаги усталар кўпроқ совуқ рангларни, иссиқ иқлимли Ўзбекистон усталари кўпроқ илиқ рангларни қўллайдилар. Шундай қилиб, ҳар бир халқнинг амалий-безак санъатида ўз анъаналари шаклланади.

## МАШҒУЛОТ ИШЛАНМАЛАРИ

*Дарснинг мавзуси: Ўзбек халқ амалий санъати*

*Дарснинг вазифалари:* Ўқувчиларга ўзбек халқ амалий санъати ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунча бериш, амалий санъат асарларини идрок этишга ўрганиш. Болаларда бадий-эстетик дидни ўстириш ва уларнинг бадий фикр доирасини кенгайтириш. Болаларда миллий гурурни шакллантиришга ёрдам бериш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш.

Халқ амалий санъати ўқувчиларда бадий дидни ўстириш билан бир қаторда уларда борлиқни идрок этиш маданиятини ва уларга нисбатан эстетик муносабатни шакллантиришга хизмат қилади. У ўқувчиларнинг бадий майлларини амалий жиҳатдан тўғри йўналтириш, кейинчалик уй жиҳозлари, кийим-кечакларга тўғри муносабатда бўлишига, қадимги ва ҳозирги замон амалий-безак санъати асарларининг эстетик моҳиятини тушуниб этишга кўмаклашади. Ўқувчиларни халқ усталари ижодидаги образлилик билан таништириш, борлиқда эстетик муносабатни ўстиришга ёрдам беради.

Шунингдек, бу машғулотда болаларнинг қуйидаги тушунча ва маълумотларга эга бўлишлари талаб этилади:

- қадимги ва ҳозирги замон халқ амалий санъати усталари, уларнинг исмлари ва фамилияларини билиш;
- юқори бадий савияда ишланган амалий санъат намуналари, шунингдек чет элларда сақланганлиги ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- халқ амалий санъати билан боғлиқ бўлган йирик музейларнинг номи ва жойлашган шаҳарларни билиш;
- Ўзбекистонда мавжуд бўлган аввалги ва кейинги даврлардаги халқ амалий санъати билан боғлиқ бўлган йирик тарихий ва маданий ёдгорликларни билиш;
- Республикамизда халқ ҳунармандчилиги ривож топган шаҳар ва қишлоқларни билиш;
- халқ амалий санъатининг турлари, унда ишлатиладиган асбоб ва материаллар, қўлланиладиган усулларни билиш;
- халқ амалий санъатидан асосий ибораларни билиш.

Халқ амалий санъатини ўрганиш ўқувчиларнинг бадий дидини ўстириш, борлиқда эстетик муносабатини шакллантириш ва бадий фикр доирасини кенгайтириш борасидагина эмас, балки у болаларнинг тасвирий ижодий фаолиятида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Ўқувчилар қадимги халқ ҳаёти билан боғлиқ бўлган мавзуда расм ишлар эканлар, улар бевосита уй жиҳозлари (сўзана, гилам, патнис, лаган, товоқ, чойнак, пиёла, қути, офтоба, лаъли, қумғон, хум, сандиқ, чойиндиш, хонтахта, панжара ва ҳ.к), ёғоч ва ганч ўймакорлиги буюмларини тасвирлашларига тўғри келади. Бунда уларга халқ амалий санъатидан олган билим ва тушунчалари қўл келади.

**Дарсининг жиҳозланиши:** Ўзбек халқ амалий санъати намуналари ёки уларнинг нусхалари, слайдлари, диапозитивлари, диафильм, кинофильмлар.

**Дарсининг мазмуни:** Янги мавзунинг баён қилиш ўқувчиларга халқ амалий санъатининг Ўзбек халқи ҳаётида тутган ўрни, унинг турлари ҳақида маълумот бериш билан бошланади. Умуман, бу суҳбатнинг қуйидаги мазмунда ва узвийликда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда санъатнинг кенг тарқалган турларидан бири халқ амалий-безак санъатидир. Бу санъат асарлари ҳаётда ишлатиладиган буюмлар- идиш-тавоқ, кийим-кечак, уй жиҳозлари, ўйинчоқлар ва бошқа шу кабиларни ўз ичига олади.

Халқ амалий санъати асарлари одамларнинг кундалик турмуш эҳтиёжларини қондириш, теварак-атрофга, боғ-роғлар, уйларни ташқи ва ички кўринишига гўзаллик киритишга хизмат қилади. Бу санъат дастгоҳ санъатдан ўзининг бевосита халқ эҳтиёжларига мосланганлиги билан фарқ қилади ва инсон ҳаётида ишлатиладиган буюмларнинг мазмуни билан боғланади. Амалий-безак санъатида ҳаётдаги мавжуд нарсалар (масалан, гуллар, ҳаётий лавҳалар ва ҳоказолар) акс этади. Лекин, улар мустақил хусусиятга эга бўлмасдан, маълум бир буюм мазмуни ва шакли билан боғланиб, уни безашга хизмат қилади. Амалий санъат буюмлари бирмунча эркин-ижодкор тафаккури маҳсули сифатида яратилади ва у теварак – атрофга фойда киритишга қаратилган бўлади. Масалан, жимжимадор устун, эшик, дарвозалар, деворларнинг ташқи ва ички томонларига ишланадиган рангли нақш ва бўртма тасвирларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Халқ амалий санъати жуда қадим замонда пайдо бўлиб, халқ ҳунармандчилиги тарзида ривожланиб санъатнинг энг қадимги ривож топган ва барҳаёт тури бўлиб келган.

Ўзбек халқининг амалий санъати асарларида кўпроқ чамандек очилган гулзорлар, боғлар акс этади. Чунки, жазирама иссиқ шароитда қақраб ётган чулларни гулзорга айлантириш қадимдан ўзбек халқига хос одат бўлиб қолган. Ўзбек халқ амалий санъатида ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик билан бир қаторда, ўзбек каштаси, атласи, беқасами ва нақшлар берилган ҳар хил жиҳозлари дунё халқлари орасида катта шуҳрат қозонган.

Амалий санъатнинг энг кўп тарқалган оммавий тури каштачилик бўлиб, у қадимий анъаналарга эга. Ўзбек каштачилиги, юқорида айтиб ўтганимиздек, гулзор боғларни эслатади. Шунинг учун ҳам биз ўзбек каштачилигида гулдаста, мажнунтол, қуёш, баъзан дарахт шолчасига қўнган қушчалар, ҳатто ҳайвон ва одам тасвирларини ҳам учратамиз.

Ўзбекистоннинг энг қадимий маданият ўчоқлари ҳисобланган Бухоро ва Самарқанд сўзаналари ўзининг рангдорлиги, шаклларининг турли-туманлиги ва ниҳоятда нозик тикилиши билан фарқланади. Шаҳрисабзлик аёллар тиккан каштачилик буюмлари эса кўпроқ гиламни эслатади. Дорпечлар ўзбек хонадонларида уйнинг ички деворларининг юқори қисмига айлантириб илиб қўйиладиган безак сифатида фойдаланилади. Уларнинг паст қисмида шокила-шокила бўлиб, осилиб

турган кокилалари бўлади, дорпечлардаги бир шакл қайта такрорланаверади. Бу эса гулли дарахт ёки гулдастани қатор қилиб сафга тизиб қўйгандек манзарани беради.

**Ўзбек каштачилигида** дўппи алоҳида ўрин эгалайди. Шаҳрисабзнинг гилам дўпписи, Бухоронинг зар дўпписи, Наманганнинг чуст, ироқи, духоба ва бошқа дўппилари Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган. Дўппи нусхалари ичида энг машхури чуст дўппиларидир. Қора атлас ёки сатин устига ипак билан тикилган бодом гул (ёки қалампир), кизакка туширилган гуллар дўппига нафислик бахш этади. 1-расм.

**Каштачилик санъатида** белбоғ, дастрўмол, сандалпеч, бўғмача ва турли тўрвачалар ҳам нафис безатилади.

**Ўзбек каштачилигининг** анъаналари ҳозирги кунда ҳам муваффақият билан ривожланмоқда.

Нимшоҳи газламалар-бедрасам, банорас ва адрас, атласлар ҳам халқимиз томонидан эъзозланади. Ўзбек халқи ипак етиштиришда моҳир бўлибгина қолмай, балки атласлар тўқиган, уларни ниҳоятда юқори бадиий дид билан бўй олган. Ипакдан тўқилган тўрт, саккиз, ўн икки тепкили атласлар жаҳонда донг таратган. Атласлар композицион жиҳатдан турлитумандир. Ҳозирги кунда унинг юздан ортиқ безак тури бор. Булар, асосан, турли геометрик шакллар, ўсимликларнинг гул ва мевалари, барглари, уй-рўзгор асбоблари ва ҳоказолардан иборат.

**Ганчкорлик** Ўзбекистонда амалий санъатнинг энг сеvimли ва қадимий турларидан биридир. Амалий санъатнинг бу турида бухоролик ва тошкентлик усталар самарали меҳнат қилмоқдалар.

Авваллари деворлар ўйма гулли паниолар билан безатилар, тахмонлар қиррасига нақшлар ўйиларди. Токчалар бўлса ўймакор ёки жим – жимадор безаклар билан ясатилар, хонага нур ва ҳаво кириб туриши учун дераза ва эшик устидан туйнук қилиб, унга ганч ва ёғочдан панжара ўрнатилар эди. Ҳозирда қандил, наво, шип каби меъморчилик деталлари ганчдан тайёрланмоқда. Шунингдек, маданият саройлари ва маъмурий биноларнинг ички ва ташқи қисмини безатишда ганчкорликдан кенг фойдаланилмоқда. 2-расм.

Ўзбек ганчкорлигининг ажойиб саҳифасини Бухоро яқинидаги Ситоран Моҳи Хосадаги “Оқ уй” да, Тошкентдаги Навоий номли катта опера ва балет театрида кўриш мумкин. Санъатнинг бу ажойиб ва мураккаб турида усталардан Уста Ширин Муродов (Бухоро), Тошпўлат Арслонкулов, А. Пўлатов, А. Самадов, М. Усмонов (Тошкент), Ҳ. Жалиловлар (Самарқанд) донг таратганлар.

Амалий санъатнинг ёғоч ўймакорлиги тури Ўзбекистонда қадимдан мавжуд бўлиб, ўзининг бой анъаналарига эга. Ёғоч ўймакорлиги асарлари эшик, дераза, қутичалар, қантдон, устунлар, панжаралар, ўйинчоқларда ўз аксини топган. 3-расм.

Бу борада Хива усталарининг (Ота Полвонов) ишлари мақтовга лойиқдир. У ишлаган асарлар ўсимликсимон элементларнинг кўплиги ва бўрттириб ишланганлиги билан бошқаларнинг асарлардан ажралиб туради.

Тошкент усталари (С.Хўжаев, Ниёзқориев, М.Қосимов, О.Файзуллаев) эса кўпроқ “гириҳ” усулида ишлаб, геометрик нақшлардан кўп фойдаланишади. Қўқонлик уста Х.Нажмиддинов ва унинг ўғли Ҳ.Ҳайдаровнинг ишлари ҳам диққатга сазовордир.

Ёғоч ўймакорлиги санъатида мусиқа асбобларини безаш ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Дутор ва танбурга, чағи ва торларга суяк ва садафлардан қадалган чиройли нақшлар кишини ҳайратда қолдиради. Бу санъат ҳозирги вақтда Тошкентда кенг ривожланмоқда.

Ўймакорлик санъатининг ажойиб турларидан бири – мисгарликдир. Ўзбек мисгарлик санъати жуда қадимдан шуҳрат қозониб келган. Унда сариқ ва қизил мисдан ишланган турли хил хўжалик ва уй-рўзгор буюмлари нозик шакллар билан безатилади. 4-расм.

Безатилган мис асбоблар Бухоро, Қўқон, Самарқанд, Қарши ва Хива шаҳарларида кўпроқ ясалади. Мисгарликда бу шаҳарлар усталарининг ўзига хос ишлаш услуби бор. Лаган, патнис, чойидиш, офтоба ва обдасталар мисгарлик буюмлари ичида энг кўп тарқалганлари ҳисобланади.

Амалий санъатнинг бу турида бухоролик М.Муҳсинов, С.Подчаев, Н.Солиҳов, С.Ҳамидов, Л.Фозилов, хоразмлик Х.Саидов, М.Жонбеков, Б.Ёқубов, С.Худойбердиев, тошкентлик Р. Соибовлар самарали меҳнат қилганлар.

Қадимдан уй-рўзгор буюмларига бўёқлар билан ажойиб нақшлар ишланиб келинган. Уни наққошлиқ санъати деб юритилади. Республикамизда амалий санъатнинг бу тури қадимдан ривожланган бўлиб, унда ўзбек усталари фақат уй-рўзгор буюмларини эмас, балки уй-жой ва жамоат биноларининг девор ва шипларини ҳам безайдилар. Санъатнинг бу турида ҳар бир халқ ўзича ижод қилади. Масалан, рус амалий санъатида текис ёғоч юзасига уста ўсимликсимон нақш расмини туширади, унга махсус бўёқлар беради. У биров қуригандан сўнг бўёғи ўчиб кетмаслиги учун устидан бир неча бор тиниқ лак суртилади. Ўзбек усталарининг иш услуби бошқачароқдир. Бу усталар эскиз бўйича дурадгор ишлаган ёғочга елим суртадилар, унинг усти жилвир қоғоз билан ишқалангандан сўнг, материалга бронза берилади. Кейин бронза устидан улғи асосида композицион тасвир, унинг устига қора бўёқ суртиб, сўнгра нақш ишланади. Нақшларнинг ўчиб кетмаслиги учун нақш устидан бир неча бор тоза лак суртилади. 5-расм.

Халқ усталари тажрибасида нақшнинг қуйидаги турлари кўпроқ қўлланилади: ислими – эгри чизиқли ўсимлик элементлардан иборат нақш; гириҳ тўғри чизиқли элементлардан геометрик шакл ҳосил қилувчи нақш; гулли гириҳ (ёки мураккаб) – бу икки гуруҳдаги нақш ислими ва гириҳ элементларидан ташкил топади. Ислими турдаги асосий элементлар – новда, япроқ, гул, ғунча, куртак, қалампир, мева, поя кабилар ҳисобланади. Поя ва новда турли нақшларнинг энг кўп учрайдиган элементлари ҳисобланиб, улар нақш ҳошияларида қўлланилади. Гириҳлар эса тўрсимон ва юлдузсимон бўлиб, юлдуз нурларининг сони 5 тадан 16 тагача боради. 6-расм.

Нақшнинг учинчи тури ҳисобланган гулли гириҳ нақшида эса нақш геометрик ва ўсимлик элементларнинг бир-бирига қўшиб ишлатилиши

натижасида ҳосил бўлади. Бунда геометрик элемент доимо нақш ўртасида жойлашади.

Наққош А.Қосимжонов, Ё.Рауфов, Т.Тўхтаўжаев, Ж.Ҳакимов (Тошкент), А.Болтаев (Хива), С.Норқўзиев (Қўқон) ва бошқа усталар санъатнинг бу турида меҳнат қилиб, шуҳрат қозонганлар.

Табиий лойдан турли идишлар яшаш ва уларни тегишли рангларда бўяш қулолчилик ҳисобланади ва у Ўзбекистонда жуда қадим замондан ривожланган. Қулолчилик санъати буюмларига лаган, товоқ, чойнак, пиёла, сопол ва чинни идишлар, шунингдек, лойдан ишланган ўйинчоқлар кирди.

Қулолчилик санъатида безатишнинг турли усуллари қўлланилади. Шундай усуллардан бири “қалами” усулидир. Бу усулда безак идишларга нақшларнинг расми чизиб олинмасдан тўғридан-тўғри мўйқалам билан ишланаверади. Бу усулларда кўпроқ Риштон ва Гиждувон усталари ишлашади. Баъзи жойларда усталар гилвата билан гул чизиб, кейин бўёқ бериладиган “чизма” усулидан фойдаланишди. Бу усул Тошкентлик усталар орасида кенг тарқалган. 7-расм.

Ўзбек қулолчилик буюмлари безак композицияларидаги ўсимликсимон ва геометрик элементларининг бойлиги, хилма-ҳиллиги, бўёқлар гаммасининг ёрқинлиги билан ажралиб туради. Уларда феруза ранг бахт келтирувчи белги сифатида кўп ишлатилади.

Қулолчилик Ўзбекистон мейморчилигида кошникорлик тарзида ҳам кенг қўлланилади. Мадраса, масжид, карвонсарой, ҳаммомларнинг пештоқларида, хона ичкарасидаги девор безакларида қулолчилик санъатининг намуналари ўз аксини топган. Ҳозирги кунларда ҳам қулолчилик жамоат, турар жой биноларини безатишда кенг қўлланилмоқда. Республикамызда бир қатор уста қулолларни бирлаштирган қулолчилик устахоналари мавжуд, улар халқимиз талабларига ва дидига мос қулолчилик буюмларини яратмоқдалар.

Ўзбекистонда қулолчилик санъатини ривожлантиришда қулоллардан У.Жўрақулов, А.Мухторов (Самарқанд), У.Умаров, А.Ҳазратқулов, М.Назруллаев(Гиждувон), Б.Бомсов, Ҳ.Матчонов(Хоразм), К. Туробов, Ю.Зиёмұхамедов, А.Раҳматов, М.Раҳимов, Ҳ.Орифжонов, А.Нўмонов, Т.Миралиев, А.Аминов (Тошкент), Т.Тиллахўжаев (Наманган), А.Худойназаров (Каттақўрғон), Б.Халилов (Денов), М.Облоқулов (Ургут), ака-ука Ҳожимировлар (Андижон), Х.Раҳимова (Бухоро), Ш. Қаландаров (Хўжайли) ва бошқа усталар катта ҳисса қўшганлар.

Ўрта Осиё халқлари қадимдан ўзларининг зардўзлик санъатлари билан фахрланадилар. Зардўзлик учун асосий материал зар, ипак, бахмал кабилардир. Усталар зар тўқишнинг икки турини қўллашади. Биринчиси – заминни зар билан тикиб тўлдириш ва иккинчиси нақшларни зар билан тикиш. Чеварлар нақшли ва сюжетли композицияларда кўпинча ўсимликларни тасвирлашади: гуллар, барглар, бодом гуллари, пахта шулар жумласидандир. Кейинги вақтларда зардўзлик буюмларида жонли нарсалар ҳам тасвирланмоқда. 8-расм.

Қадимдан зардўзлик Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида кенг ривожланган. Ҳозирги вақтда бундай буюмлар Бухородаги махсус зардўзлик фабрикасида, бирлашмалар, устахоналар ва алоҳида усталар томонидан кўплаб ишлаб чиқилмоқда.

Дарснинг охириги қисмида ўтилганларни мустаҳкамлаш мақсадида янги мавзу юзасидан савол-жавоб ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ўқувчиларга куйидагича мазмунда саволлар берилади:

- Халқ амалий санъати қасрларда қўлланилади?
- Халқ амалий санъатининг қандай турлари бор?
- Ўзбек халқ амалий санъати кенг ривожланган шаҳарлар қайсилар?
- Ўзбек халқ амалий санъатининг йирик усталари кимлар?
- Ислими, гириҳ, гулли гириҳ деганда нимани тушунасиз?
- Амалий санъатнинг қайси турида қандай материаллар ва асбоблардан фойдаланилади?

Халқ амалий санъатини ўрганишда дарсда техникавий воситалардан фойдаланиш, амалий санъат буюмларининг намуналари ва ударнинг суратларини йиғиш, амалий санъат усталарининг номлари, улар санъатнинг қайси турида асар яратганликларини, амалий санъат ривож топган шаҳар ва қишлоқларнинг номларини ва санъатнинг шу турида учрайдиган ибораларни ёздириб бориш зарур.

Амалий санъат ҳақида ўтказиладиган суҳбатларда болалар эътибори ўрганилаётган асар амалий санъатнинг қайси турига кириши, унинг муаллифи, асарнинг композицияси, ранглари, элементлари, материали, ишлаш усуллари, амалий санъат буюмларининг шакли, тузилиши ва беазаги унинг вазифасига мослиги ва бошқаларга қаратилади. Бундай машғулотлар маъруза шаклида бўлса-да, савол-жавоб усулидан кенг фойдаланиш лозим.

Амалий санъат асарларини ўрганиш тасвирий санъат машғулотларининг бошқа турлари билан боғлаб ўтказиш яхши самаралар беради. Хусусан, нарсанинг ўзига қараб расм чизиш дарсларида амалий санъат буюмларидан қутичалар, гулдон, сопол лаганлар, мнс патнислар, офтобалар, халқ миллий чолғу асбоблари, зарли ва ироқи дўппилардан натура сифатида (натюрморт таркибида, шунингдек алоҳида) фойдаланиш бу санъат турининг ўзига хос хусусиятларини тез ва осон идрож этишга ёрдам берса, суҳбат дарслари эса амалий санъатдан олган билим ва тушунчаларни янада бойитишга ва мустаҳкамлашга олиб келади.

Ўзбек халқ амалий санъати намуналари ва уларнинг фотонусхаларини тўплаш, улардан альбом тайёрлаш, ўзбек халқ амалий санъатига доир китоблар ўқиш ва улар ҳақида кенгроқ маълумотлар тўплаш уйга вазифа қилиб топширилади.

Дарснинг мавзуси: Амалий-безак санъатида табиий шакллارни  
стилизициялаш.

**Дарснинг вазифалари:** Болаларга стилизация ҳақида маълумот бериш. Уларни мустақил равишда стилизациялашга ўргатиш. Тасвирий малакаларни ўстириш. Бадий фикр доирасини кенгайтириш.

**Дарснинг жиҳозланиши:** Стилизациялашга мўлжалланган табиий шакллар тасвирланган жадвал. (Гуллар, барглар, ҳашаротлар, қушлар ва ҳ.к). Стилизациялашга доир жадвал. 9-расм.

**Дарснинг мазмуни:** Машгулот ўқитувчининг амалий санъат ҳақидаги суҳбати билан бошланади. Бунда ўқитувчи ўз эътиборини кўпроқ халқ усталарининг феолиятларига қаратади. Хусусан, ҳар бир уста бирор бадий безак ишини бажарганда бевосита у ёки бу нақшлар тасвирини ишлашга тўғри келади. Улар нақш элементларини амалий санъат намуналаридан олишади ёки мустақил равишда табиий ёки геометрик шакллари стилизация қилиб ишлятишади. Стилизация икки хил йўл билан бажарилади. Биринчиси, шаклини соддалаштириш, иккинчиси, мураккаблштириш. Соддалаштириш ёки мураккаблштириш деганда, биз фақат нарсалар тасвири ёки нақшлар тасвирини соддалаштириш ёки мураккаблштиришнинггина эмас, балки уларнинг ранглари ўзгартирилишини ҳам тушунамиз. Амалий санъат усталари ижодида ҳаётда учрайдиган ҳамма нарсалар стилизация қилиниб, улар амалий санъат буюмларида ўз аксини топади.

Суҳбат давомида ўқитувчи стилизацияланмаган табиий шакл ва уларнинг стилизацияланган шакллари жадвал орқали ёки доскада расмини чизиш орқали намойиш этади. Шунингдек, дарс жараёнида соддалаштирилган стилизация ҳақида ҳам кўргазмали суҳбат ўтказилади.

Стилизациялаш жараёнини бевосита болалар кўз ўнгиде кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ўқитувчи доскага нарсаларнинг реал тасвирини, унинг ёнига стилизацияланган тасвирини чизиб кўрсатади. Худди шу иш болалар томонидан доскада ҳам бажарилади ва у синфда ижодий вазият ҳосил бўлишига ёрдам беради. Ана шундай узоқ давом этмайдиган машқлардан сўнг ўқитувчи дарс учун махсус тайёрланган табиий шаклларнинг ҳақиқий кўриниши тасвирланган жадвални доскага илиб қўяди ва уларни болалар ўз дафтарларида кўчириб олишларига кўрсатма беради. Сўнгра болалар уларни ўз расм дафтарларида мустақил равишда стилизациялайдилар. Дарс жараёнида болаларга ҳар бир нақш элементи қайси табиий шаклдан олинганлиги, бу нақш элементларининг номи ҳақида маълумот бериб боради. Халқ амалий санъатида кенг тарқалган нақш элементларидан – барг, шобарг, бодом, ойгул, бофта, учбарг, себарггул, кўпбарг кабилар ҳисобланади. 10-расм.

Дарс охирида болаларнинг бажарган ишлари намойиш тахтасига қўйилади ва улар биргаликда таҳлил қилинади. Вазифани юқори савияда бажарган болаларга баҳолар қўйиш мумкин.

Синфда бажарилган ишларнинг қаламтасвирини бўяш уйга вазифа қилиб топширилади.

*Дарснинг мавзуси: Чойнак учун таглик эскизини ишлаш.*

*Дарснинг вазифалари:* Ўқувчиларнинг ижодий қобилияти ва эстетик дидларини ўстириш, тасвирий малакаларини ривожлантириш, бадий фикр доирасини кенгайтириш.

*Дарснинг жиҳозланиши:* Чойнак ва тагликлар. Чойнак, таглик эскизлари, панжаралар. II-расм.

*Дарснинг мазмуни:* Ўқувчиларда мавзуга қизиқиш орттириш ва уларни бадий фикр доирасини кенгайтириш мақсадида ўтказиладиган суҳбат қуйидагича мазмунда бўлади:

Чойнак учун тагликлар эскизини ишлаш учун аввало панжаралар ҳақидаги маълумотларга эга бўлмоқ лозим.

Панжаралар ниҳоятда турли-туман шаклда бўлиб, турмуш ва меъморчиликда кенг қўлланилади. Улар чўян, сим, ёғоч, ганч каби материаллардан тайёрланиб, эшик, дарвоза, кўча, истироҳат боғларида тўсқич вазифасини ўтайди. Қадимда бино деразаларига ганч ва ёғочли панжаралар ўрнатилиб ундан уй ичини қуёш нуридан тўсиш мақсадида фойдаланилган.

Суҳбатда болаларнинг асосий эътибори панжараларнинг ўзига хос хусусиятларига қаратилади. Уларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ундаги элементларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигидир. Бу нарса панжараларнинг бир бутунлиги ва мустаҳкамлигини таъминлайди.

Панжаралар таҳлилини уларни доира шаклидагилари юзасидан ўтказилгани маъқул. Бунда нақшларнинг икки хилдагиси кўрсатилади. Уларнинг биринчисида нақш бўлаклари доира радиуси йўналишида жойланади ва улар марказга томон торайиб боради. Иккинчи турида нақш элементлари айлана бўлиб жойлашадилар.

Суҳбатда шуни қайд қилиш лозимки, ўзбек нақшлари ўзининг сержиллолиги, жим-жималарининг кўплиги, ўсимликсимон элементларининг бойлиги билан бошқа халқларнинг нақшларидан фарқ қилади. Суҳбат давомида ўқитувчи панжаралардан намуналар кўрсатади ва уларни таҳлил қилади.

Тагликда уларнинг шакли, қандай нақш элементларидан тузилганлиги, элементларни боғловчи бўлаклари, уларни материали ҳақида фикр юритилади. Худди шунингдек, ўқитувчи ўзи ишлаган таглик ва эскизларни кўрсатади ва уларни ҳам юқоридаги каби таҳлил қилади.

Мана шундай қисқача тушунтиришдан сўнг болаларга чойнак учун таглик эскизини ишлаш юзасидан топшириқ берилади.

Топшириқни бажариш учун ўқувчиларга қуйидаги вазифалар ва кўрсатмалар берилади.

1. Таглик учун мақсадга мувофиқ шаклни топиш: (доира, тўртбурчак, квадрат, ромб, учбурчак ва ҳ.к).

2. Танланган шаклга мос ҳолда нақш композициясини топиш.
3. Эскиз ишлашда панжара устига тушадиган оғирликни ҳисобга олиш.
4. Эскиз ишлашда панжара нақшларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.

Бу вазифаларни ўқитувчи доскага ёзади ва унга риюя қилишни болалардан талаб қилади.

Дарс охирида ўқитувчи ҳар галгидек болалар расмларидан намуналар ажратиб олади ва уларни болалар билан биргаликда таҳлил қилади.

Уйга синф ишини давом эттириш ва уларни бўёқ билан ишлаб тугаллаш вазифа қилиб топширилади.

**Дарснинг мавзуси: Қутича учун нақш эскизини ишлаш.**

**Дарснинг вазифалари:** Ўқувчиларнинг шакл ва безакнинг узвий боғлиқлиги ҳақидаги тушунчаларини мустақамлаш. Уларнинг тасвирий малакалари, бадий дидларини ўстириш, бадий фикр доираларини кенгайтириш.

**Дарснинг жиҳозланиши:** Қутича учун тайёрланган нақш эскизлари. Ёғочдан ишланган қутича намунаси. Нақш билан безатилган қутича.

**Дарснинг мазмуни:** Ўқитувчи халқ амалий санъати турларидан ҳисобланган наққошлик санъати ҳақида гапириб, наққош усталар уй деворлари, шиплари, устунларни безатиш билан бир қаторда, уй-рўзгор буюмларидан хонтахта, сабзи тахта, қутича кабиларни безатишларини ҳам айтиб ўтади. Нақш билан безатилган қутичани кўрсатиб, унинг устки ва ён томонларидаги нақшларнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништиради. Қутичанинг ёйилмасини кўрсатиб, унга қандай нақшлар тўғри келиши ҳақида тўхталади.

Ўқитувчи тўғри тўртбурчак шаклидаги нақшларнинг ўзига хос хусусиятларини ўқувчиларнинг ёдига тушириш мақсадида уларга тўғри тўртбурчак шаклидаги амалий санъат буюмларини ёки уларнинг суратлари, репродукцияларини кўрсатади ва уларни болалар билан биргаликда таҳлил қилади. Бунда амалий санъат буюмлари ҳақида фикр юритиб, ўқитувчи асосий эътиборни уларнинг композициясига, рангларига, безак элементларига, уларнинг ўзаро боғлиқлигига, нақш фони (замини) ва безак элементларининг ўзаро уйғунлигига қаратади. Нақш композицияси таҳлил қилинганда, тўғри тўртбурчак шаклидаги нақшларнинг композицияси квадрат шаклидаги нақшларнинг композициясига ниҳоятда яқинлигини ҳам қайд қилиб ўтилади. Бундай нақшларни болалар учинчи ва тўртинчи синфларда бир неча бор чизганликлари эслатилади. Ўқитувчи суҳбатни давом эттириб, бу нақшларни амалий санъат усталари ишлаганликларини қайд этади ва ана шу усталар каби болалар ҳам нақшлар ишлашлари мумкинлигини билдиради. Болаларга нақш ишлашга киришишдан аввал нақш қутичани безатиш учун мўлжалланганлиги ўқитирилади. 12-расм.

Суҳбат давомида нақш чизмалари ва элементлари намоиш этилади ва ўқитувчи болаларга ҳар бир ишнинг нақш элементини номини қайта қайта таъкидлайди. Болалар бу нақш элементларини чизиб, машқ қилишлари ҳам мумкин. Шу билан бирга, ўқитувчи ўзи тайёрлаб келган кўргазмали қурол орқали қутича безакларининг ёйилмаларини ҳам кўрсатади. Бу икки ёйилмадаги нақшнинг бири гириҳ, иккинчиси ислими усулида ишланган бўлади.

Болалар тасвирий фаолиятининг биринчи босқичида қутича ёйилмасини чизиб оладилар, сўнгра нақш элементларидан хоҳлаганларини танлаб, уларни ёйилма устида тасвирлаб, янги композициялар ҳосил қиладилар. Нақшларнинг рангларини ҳам болалар мустақил танлайдилар. Ранг танлашда уларнинг сонини маълум миқдорда чегаралаш лозим, акс ҳолда маром ва нақш рангларининг уйғунлиги бузилиши мумкин.

Бу дарс болаларнинг ижодкорлигини оширишга қаратилганлиги сабабли уларнинг бу фаолиятларига имкон борича мустақиллик бериш лозим, баъзан ўзлаштириши пастроқ бўлган ўқувчилар билан яқка тартибда иш олиб борилади.

Мазкур вазифа ўз мазмунига кўра ижодий бўлганлиги сабабли, уни болалар ўйда ёки келаси дарсда давом эттиришлари мумкин. Биринчи дарсда расмлар қаламда ишланса, иккинчи дарсда бўялади.

Уйга вазифа тариқасида синф ишини давом эттириш ва тугаллаш топширилади.

### ***Дарснинг мавзуси: Газмол учун безак эскизини ишлаш.***

***Дарснинг вазифалари:*** Ўқувчиларни ижодий фикрлашга ўргатиш, уларнинг ижодий қобилиятлари, бадий дидини ўстириш. Расм ишлаш малакаларини ривожлантириш, бадий фикр доирасини кенгайтириш.

***Дарснинг жиҳозланиши:*** 1. Турли композициядаги ҳар хил гулли, турли рангдаги газмол парчалари. 2. Турли газмолларнинг слайд ёки диапозитивлари. 3. Ўқитувчи ва болалар томонидан ишланган газмолларнинг турли эскизлари. 4. Тўрсимон нақш схемаси ва элементлари тасвирланган жадваллар.

***Дарснинг мазмуни:*** Янги мавзунинг баёни доскада турли газмол парчалари ва газмол эскизларини намоиш этишдан бошланади. Шундан сўнг ўқитувчи дарс мавзусини эълон қилиб, болалар эътиборини газмолларга қаратади, уларга қуйидаги мазмунда саволлар бериб, дарсга бўлган муносабатларини фаоллаштиради:

Бу газмолларни қайси бири сизга ёқди ва нега?

газмоллар қандай нақш элементларидан ташкил топган?

бу газмоллар безагида ритм борми?

газмол нақшларида унинг элементлари такрорланиб келганми ёки алмашиниби?

бу газмолларнинг қайси бирини қандай мақсадларда ишлатиш мумкин?

безак нақши билан унинг фони ўртасида бирон бир боғланиш борми?

қайси газмоллардаги безакларда расмлар тўғри танлангану, қайсиларида ноўрин, нега? Сизнингча, қайси ранглардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўларди?

безакда ритм шакллар ёрдамида ҳосил бўлганми ёки ранг ёрдамида?

Бу саволларга олинган жавоблар аниқлаштирилиб, умумлаштирилиб бўлингандан сўнг ўқитувчи “Бугун сиз ҳам безакчи рассомлар каби газмол учун безак (нақш) намунасини ишлайсиз” деб топшириқ беради. Бу гал ишлайдиган нақшларингиз аввалги ишлаган нақшларингиздан фарқ қилади. Ўтган йилги чизган расмларингиз йўлсимон, доира, тўртбурчак шаклида бўлиб, улар ёпиқ нақшлар деб аталарди. Бу галги чизадиган нақшларингиз очиқ (чексиз) нақш деб аталади. Чунки, бу нақшларга эътибор берсангиз, уларнинг ҳамма томони очиқ, улардаги нақшларни тўрт томонга чексиз давом эттириш мумкин. Бундай нақшларнинг асосида тўр шакли ётади.

Безак элементлари вазифасини геометрик элементлар (учбурчак, тўртбурчак, доира, квадрат, кўпбурчак) ва бошқа шакллар, табиат маҳсулотлари тасвирлари (гуллар, барглар, мева ва сабзавотлар, майда ҳашаротлар, қушлар) бажаради. Эътибор берсангиз безакда ўсимликлар тасвири ҳақиқий ҳолда берилмаган. Уларда ўсимликлар тасвири бироз ўзгартирилиб, яъни стилизация қилиниб тасвирланган. Сиз ҳам безак эскизини чизганингизда бунга риоя қилинг. Ўз ишингизда халқ амалий санъатида қўлланиладиган нақш элементларидан атиргул, пахтагул, ойгул, чиннигул, бодом, анор, шобарг, марғула, гажак кабилардан фойдалансангиз янада яхши бўлади.

Ўқитувчи суҳбат давомида газмол эскизини ишлашдан аввал ундан қайси мақсадда фойдаланишни ҳисобга олиб (кийимлик, парда, дастурхон ва ҳ.к.) безак элементи, ранги, композицияси, безак ўлчовлари танланиши ҳақида гапиради. Агарда газмол кийимлик учун мўлжалланган бўлса, шахснинг жинси, ёши, кийимини қайси фаслда кийишга мўлжалланганлиги ҳисобга олинади. Бунда ўқувчилар нақш элементи ўлчовини, рангини ҳисобга оладилар.

Дарсда болаларнинг бажаришлари лозим бўлган ишлари шундан иборат бўладики, улар безатувчи рассомлар каби кийимлик учун (ёш қизлар, ўрта ёшдаги аёллар, қари аёлларнинг ёшлари ҳисобга олинади) газмол эскизини ишлайдилар. Эскиз ишлаш учун болалар аввалдан ўқитувчи томонидан жадвал тарзида тайёрланган ва доскага осиб қўйилган газмол учун мўлжалланган нақш чизмалари ва элементларини яхшилаб ўрганадилар. Сўнг улардан ўзларига ёққанларини танлаб олиб, нақш тузадилар. Болалар жадвалда акс этмаган нақш элементларидан фойдаланишлари ҳам мумкин. Болалар ҳоҳлаган гуллари, мева, сабзавотлар, ҳашарот ва қушлар тасвирини стилизация қилиш орқали нақш ишлашлари ҳам мумкин. 13 расм.

Дарс жараёнида болалар эскизни мустақил равишда ва ижодий тарзда бажардилар. Бўш ўзлаштирувчи болаларга ўқитувчининг ёрдам бериши табиийдир.

Дарс охирида ўқитувчи болалар расмларидан энг яхшиларини ажратиб олиб, уларни биргаликда таҳлил қилади. Шу билан бирга, болаларнинг олган бадий билимларини мустақамлаш мақсадида ўтилганлар юзасидан савол жавоб ўтказилади. Саволлар тахминан қуйидаги мазмунда бўлади:

газмоллар қандай мақсадда тайёрланади?

газмол гулларини кимлар ишлайди?

қандай нақшларга “Очиқ нақшлар” деб аталади?

“Чексиз нақшлар” чи? Нега улар шундай деб аталади?

намоиш этилаётган намуналарда ритм нақш орқали ҳосил бўлганими ёки ранг орқалими?

сиз кўриб турган нақшларда элементлар такрорландими ёки алмашинадими?

бу нақшларда қайси нақш элементлари тасвирланган? Уларнинг номларини айтинг.

Уйга турли газмоллар, кўйлак гулларини кузатиб ўрганиш вазифа қилиб топширилади. Кузатиш асосида синфда бажарилган ишлар қайтадан кўриб чиқилади, тузатишлар киритилади. Болалар уйда ўз нақшларини бўяш учун тайёрлаб қўйдилар. Бунинг учун нақшнинг бутун юзаси мўйқалам билан ҳўлланади.

Мазкур мавзу асосидаги иккинчи машғулотда ўқитувчи болалар расмларидан яна бир бор кўргазма ташкил этиб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини яхшилаб таҳлил қилади. Шундан сўнг газмол эскизини бўяшга доир кўрсатмалар беради. Ўқитувчи ўзи тайёрлаган нақш намуналарини намоиш этиб, уларнинг рангларини таҳлил қилиб беради. Таҳлилда қайси нақшдан қайси ёшдаги аёллар кўйлаги учун фойдаланиш мумкинлиги, фон ва нақш элементлари ўтасидаги муносабатлар, ранг номларига эътибор берилади. Шундан сўнг болалар ўз ишларини мустақил равишда бўяшга киришадилар. Дарс охирида ҳар галгидек кўргазма ўтказилади. 14 расм.

Уйга синф ишини якунида вазифа қилиб топширилади.

*Дарснинг мавзуси: Либослар.*

*Дарснинг вазифалари:* Ўқувчиларга кийимлар, хусусан миллий кийимлар ҳақида маълумот бериш. Ўзбек миллий кийимларини идрок этишга ўргатиш. Уларда бадий эстетик дидани ўстириш. Болаларнинг бадий фикр доирасини кенгайтириш.

*Дарснинг жиҳозланиши:* Уй, жомакор, дам олиш, маросим, спорт, ҳарбий, махсус, миллий ўзбек кийимларининг суратлари, диапозитивлари, слайдлари, расмлари.

Ҳарбий кийимлар, шунингдек, парад кийимлари, кундалик кийимлар, дала ва иш кийимларига, уларнинг ҳар бири эса ёзги ва қишки кийимларга бўлинади.

Ҳарбий кийимлар ҳар бир давлатда ижтимоий иқтисодий тузум, қуролли кучларнинг турига қараб турлича бўлади. Бу кийимлар ранг, шакл, ҳарбий унвон белгилари, материал жиҳатидан ҳам бир бирларидан фарқ қиладилар.

Ҳарбий кийим элементлари дастлаб қадимги Миср, Оссурия, Эрон, Юнонистон армияларида пайдо бўлган.

Туркистон халқлари ҳарбий кийимлари эрамиздан аввал жорий қилинганлиги археология, адабий, тарихий, тасвирий маълумотлардан маълум. Ҳарбий кийимлар Кушон подшолиги, Турк хоқонлиги даврида анча такомиллашади. Айниқса, Амир Темур ҳукумронлик қилган XIV аср охири ва XV аср бошларида ҳар жиҳатдан мукаммалашди. Бу даврдаги ҳарбий кийимлар ўзининг сержило, салобатли, серҳашамлиги билан фарқ қилган. XVIII XIX асрларда Ўзбек хонликларида ҳарбийлар ялтироқ чолвор, саллали қалпоқ, юмшоқ телпак, метал тақинчоқли камар, пошнали этик кийишлари русум бўлган. 15 расм.

Ўрта Осиёни Россия босиб олганидан сўнг ҳарбий кийимларда баъзи ўзгаришлар рўй берган. Хусусан, Бухоро ва Хива хонликларида маҳаллий ҳарбий кийимларнинг хусусиятлари сақланган ҳолда уларнинг шакли ва баъзи бир элементлари чор армиясининг ҳарбий кийимларига ўхшатиб тайёрланган.

Айниқса, олий қўмондонлик таркибининг кийимлари анъанавий ва дабдабали бўлган (кенг чолвор, зарли иплар билан тикилган духоба камзул, тилла, кумуш тақинчоқлар ва попукли камарлар в.б.)

Хива хонлигидаги ҳарбий кийимларга чор армияся кийим формасидан фақат погонлар қабул қилинган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг қўшин тури ҳарбий унвонларга қараб ягона ҳарбий кийим формалари амалда қўлланилмоқда.

Суҳбат давомида ўқитувчи фикр юритаётган ҳарбий кийим турларининг расмининг намойиш этиши талаб этилади, шундагина болаларга бериладиган билымлар уларнинг хотирасида яхши сақланади.

Либослар мавзусига бағишланган машғулот ҳар галгидек ўтилганларни мустаҳкамлашга оид савол жавоблар билан яқунланади.

Мавзуга бағишланган иккинчи дарс Ўзбек миллий либосларига бағишланади.

Ўзбек миллий либослари бошқа халқлар кийимларидан ўзининг бир қатор хусусиятлари билан фарқланади. Бу хусусиятлар, асосан, ўлканинг иқлим шароити, табиати, ўзбек халқининг турмуш тарзи ва бошқа шу каби томонлари билан белгиланади. Ўзбек миллий либослари эркаклар, аёллар ва болалар кийимларига бўлинган. Эркаклар оқ рангли кўйлак, яхтак, устки кийимлардан тўн, чакмон кийишган ва улар астарли ва пахтали бўлган. Халатларнинг пастки икки ёнида унча катта бўлмаган йиртиқчалари бўлган

ва улар яёв юрганда, ўтирганда, от минганда кишиларга маълум қулайликлар туғдирган. Тун ва чакмонлар духоба, шойи, атлас, беқасам, ҳайвон териси каби материаллардан ҳам гулли, ҳам гулсиз қилиб тикилган. 16 расм.

Дўппиларни ҳар бир эркак, шунингдек, болалар кийганлар. Уларни Ўзбекистоннинг айрим вилоятлари, шаҳар ва қишлоқларида аёллар ҳам кийганлар. Улар ўз шакли, тузилиши, материали, тикилиши жиҳатдан турли туман бўлган. Масалан, Чуст, Тошкент, Маргилон, Ироқи ва бошқа дўппилар кенг тарқалган. Дўппиларнинг устида оқ, қизил, зангори, яшил рангдаги, бойлар эса, зарли ип билан тикилган салла ўраганлар. Ёш йигитларнинг саллалари кичикроқ, кексаларники эса каттароқ бўлган, шунингдек мўйна ва жундан тайёрланган телпаклар ҳам кийилган.

Эркаклар яна қийиқча ва белбоғлар боғлаб юрганлар. Белбоғнинг узунлиги 2-3 метр, эни 1 метр атрофида, қийиқча эса 1 метр атрофида квадрат шаклида бўлган. Бу қийиқча ва белбоғларга қинли пичоқ, носқовоқ, ҳамёнларни осиб юришган.

Пойабзаллардан пошнали этик, маҳси, калиш, ковушлар асосий оёқ кийимлардан ҳисобланган.

Аёлларнинг устки кийимлари халат, кўйлак, паранжи ҳисобланиб, кенг қилиб тикилган ва у оёқчага тушиб турган. Паранжининг четлари ҳошия (жияк) билан безатилган. Аёлларнинг бош кийимлари дўппи, рўмол ҳисобланган ва улар алоҳида алоҳида, баъзан дўппининг устидан рўмоллар ҳам ўралган. Айниқса, ёш аёллар ва қиз болалар зар дўппилар кийишган.

Аёлларнинг тақинчоқлари қаторига қуббали тиллақош, бўйин тақинчоқлар, бўйинча тумори, найча, қашқарбалдоқ (зирақ) кабилар кирган. Аёлларнинг халатлари, башмат, нимчалар қимматбаҳо беқасам, духоба, адрас, шойи, чит, банорас ва бошқа шу каби материаллардан тайёрланган.

Ўзбекистон ҳудудидаги ҳар бир вилоятда яшовчи халқларнинг кийимларида умумийлик бўлсада, бироқ ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари кийимларнинг рангида, шаклида, узунлиги ва қисқалигида, гулларининг жозибadorлиги ва одмилигида ўз ифодасини топган.

Ўзбек кийимларида XX асрнинг 20 йилларида кескин ўзгаришлар рўй берди ва Оврупача кийимлар халқ ҳаётига кириб борди. Бу жараён аввалги аср охирларида бошланган бўлиб, кейинчалик у фаол тус олди. Бунга асосан мамлакатимизга овруполикларнинг кўчиб келиши сабаб бўлди.

Аёлларнинг миллий кийимларида айниқса катта ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, аёллар кўйлагининг узунлиги, енги калталашиб, уларнинг эни торайди. Эркаклар кийимлари деярли тўла оврупоча тусга эга бўлди.

XX асрнинг 2-ярмида кийимлар 2 йўналишда ривож топди: Биринчидан, оврупоча кийимларнинг халқ ҳаётига кенг равишда кириб боришида кўзга ташланади. Иккинчидан, миллий ўзбек кийимларининг такомиллашиб боришида ифодаланади. Бу нарса кўпроқ аёллар ва қариялар миллий кийимларида ўз ифодасини топди.

Тошкент ва бошқа шаҳарларда ташкил этилган модалар уйлари миллий кийимларнинг асосий хусусиятларини сақлаган ҳолда уни атрофлича такомиллаштирамоқдалар. Бу нарса миллий ва байналминал тамойилларнинг

бирлиги асосида бўлмоқда. Натижада эски ва янги кийимларда керакли хусусиятлар ажратиб олиниб, улар асосида содда ва кўримли кийимлар яратилмоқда.

Кийимларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда машғулотлар савол жавоблар шаклида ташкил этилса, улар фаол ва қизиқарли тарзда ўтади. Бунинг учун кийимларнинг суратларидан, тасвирий санъат асарларининг репродукцияларидан, график тасвирларидан фойдаланиш керак бўлади.

Кийим кечакларнинг тасвирини болаларга намойиш этишда техника воситаларидан, айниқса эпидиоскопдан фойдаланиш яхши натижалар беради. Кийимларнинг таҳлилида болаларнинг эътиборини унинг тури, қайси даврга, қайси миллатга хослиги, унинг ўзига хос хусусияти, тузилиши, ранги, безаклари мақсадга мувофиқлиги, материали ва бошқаларга қаратилиши лозим.

Дарсда ўтилганларни мустақкамлаш мақсадида ўқитувчи болалар билан савол жавоблар ўтказиб, уларнинг материалларни қай даражада ўзлаштирганликларини аниқлайди ва берилган билимларни мустақ камлайди. Саволлар тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Либосларни қандай турлари бор?
2. Либослар қандай материаллардан тайёрланади?
3. Эркак, аёл ва болаларнинг миллий либосларида қандай фарқлар бор?
4. Кундалик ва маросим кийимлар ўртасида қандай фарқлар бор?
5. Ҳарбий кийимларнинг ўзига хос жиҳатлари қайсилар?
6. Ўзбек миллий кийимларининг вилоятлар бўйича бир биридан фарқи нимада?

Бу саволлар ўз ўрнида тагин ҳам майдалаштирилиши ва аниқлаштирилиши мумкин. Болаларнинг жавоблари ўқитувчини қониқтирмаган тақдирда, уларни ўқитувчининг ўзи тўлдиради ва хатоларни тузатади.



Дарс мавзусида тегишли сурат ва расмларни тўплаш, уларни альбомга ёпиштириш, тагига тегишли маълумотларни ёзиб қўйиш уйга вазифа қилиб топширилади.

### ***Дарснинг мавзуси: Ўзбек миллий либослари эскизини ишратиш.***



***Дарснинг вазифалари:*** Ўқувчиларнинг бадий ижодий қобилиятлари ва расм ишлаш малакаларини ривожлантириш.

Болаларнинг миллий ўзбек кийимлари ҳақидаги тасаввурларини бойитиш, халқ санъатига қизиқиш уйғотиш.


***Дарснинг жиҳозланиши:*** Ўзбек миллий кийимларининг суратлари, репродукциялари, диапозитив ва слайдлари. Ўқитувчининг ўзи тайёрлаган бир неча миллий ўзбек кийим эскизлари. Лотин Америкаси, Африка, Оврупо




1 — расм Кашгаччилик





2 — расм Ганчкорлик



3 — расм Ёғоч ўймакорлиги



4 — расм Мисгарлик




5 — расм Наққошлик



Гулли гирих



Кулочилик



Гирих







6 - расм Ислими



7 - расм




8 — расм Зардӯзлик



9 — расм Табиий шаклларни стилизациялаш













9 — рasm Табиий шакларни стилизациялаш



12 — расм Қутича учун эскиз



13 — расм Газмол учун нақш схемалари ва элементлари



14 — расм Газмол учун эскизлар





15 — расм Қадимий ўзбек ҳарбий кийимлари





16- расм Ўзбек миллий кийимлари



17— расм Чет эл халқларининг кийимлари



18 — расм Китоб ички безаги эскизлари



18 — расм Китоб ички безаги эскизлари





19 — расм

"Ойгул билан Бахтиёр"  
достонига ишланган иллюстрациялар



20 — расм "Алпомиш" достонига ишланган иллюстрациялар



21 -- расм Табрикнома эскизлари



22 — расм

Т. Муҳамедовнинг Насриддин Афанди  
латифаларини ишлаган иллюстрациялари.



23 — расм Намоён




24 — расм Алишер Навоийнинг "Лирика" номли шеърлар тушаминикинг муқова эскизлари



25 — расм

Мустақиллик йилларида яратилган амалий саънат  
намуналари (кулолчилик, ганчкорлик);



25 — расм  
Мустақиллик йилларида яратилган амалий саънат  
намуналари (наққошлик, заргарлик)



25 — расм

Мустақиллик йилларида яратилган амалий савнат  
намуналари (сандиқсозлик, ёғоч уймакорлиги, читга  
гул босиш, кулолчилик, наққошлик)

халқлари миллий кийимларининг суратлари, репродукциялари ва слайдларидан намуналар. Катта ёшдаги эрак ва аёл, ўғил ва қиз болалар гавдаси тасвирланган расм.

**Дарсинг мазмуни:** Ҳўқитувчи ўтказиладиган дарсинг мавзусини эълон қилгандан сўнг ўзбек миллий кийимлари ҳақида қисқача суҳбат ўтказади. Бу суҳбатнинг бошланиш қисмида ўзбек миллий кийимлари билан болалар аввалги дарсада танишганларини ҳисобга олиб, уларга бир қатор саволлар беради. Бундан мақсад болаларнинг ўзбек миллий кийимлари ҳақидаги тасаввурларини тиклаш ва бойитишдан иборат. Хусусан, бу борада қуйидагича саволлар берилади:

қандай ўзбек миллий кийимларини биласиз (эраклар, аёллар ва болалар кийимлари ҳақида алоҳида алоҳида тўхталиш зарур)?

ўзбек миллий кийимлари бошқа халқлар кийимларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

эраклар миллий кийимлари ансамблига қайси кийимлар киради? Аёлларникига чи?

аёлларнинг кийимларида ёш хусусиятлар қандай қисобга олинади? Эракларникида чи?

ўзбек миллий эраклар кийимлари билан аёллар кийимлари ўртасида қандай фарқ бор?

Шундан сўнг ўқитувчи болалар жавобларидаги камчилик ва хатоларни кўрсатиб, суҳбатга яқун ясайди. У қуйидаги мазмунда бўлади:

Ҳар бир халқ ўз миллий кийимларига эга. Бироқ уларнинг ҳаммасида умумийлик бўлиб, улар бош кийим, устки кийим, оёқ кийим, шунингдек, турли туман тақинчоқ кабиларда кўзга ташланди.

Бу кийим ва тақинчоқлар мажмуаси костюм (ансамбл) деб аталади. Костюмда киши кийган ҳамма кийимлар (бош, устки, пойафзал, шунингдек тақинчоқлар) бир бирига шакл, ранг, ўлчов жиҳатидан мос ҳолда тайёрланади. Ҳар бир халқнинг костюмлари бир мақсадга қаратилган бўлса да, бироқ улар бир биридан фарқ қилади.

Ҳатто, биргина Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятда кийимларни бир биридан фарқ қиладиган томонлари кўп, хусусан Сурхондарё ва Ҳашқадарё вилоятлари ўз услубига эга бўлса, Бухоро ва Самарқанд бошқа услубга, Фарғона водийси аҳолиси яна бошқа услубга эга. Шундай фикрларни Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Тошкент каби вилоятларнинг кийимлари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Ўзбек халқи турлича иқлим шароитларида ҳар ҳил кийимлар кийган. Улар эраклар, аёллар, болалар кийимларига бўлинган.

Қисқача суҳбатдан сўнг ўқитувчи миллий кийимлардан намуналар кўрсатиб, улардан қайсилари қайси вилоятга тегишли эканлигини, қайси бирлари камбағаллар ва қайсилари бойлар учун мўлжалланганлигини аниқлаш юзасидан кўрсатмалар беради.

Савол жавоблардан сўнг ўқитувчи расмдаги кийимлардан 1 2 тасини болалар билан биргаликда таҳлил этади.

Ўқитувчи болаларнинг навбатдаги вазифаси ўзбек миллий кийимлари эскизини тайёрлашдан иборат эканлигини айтади. Сўнгра ўз кўрсатмаларини қуйидаги мазмунда давом эттиради:

Болалар дафтарларингизга доскадаги кўргазмали қуролда акс эттирилган одам қомати расмини ишланг, сўнгра унинг устига ўзингиз хоҳлаган ўзбек миллий кийимларининг расмини ишлайсиз. Ўзбекистоннинг қайси вилоятига хос кийим ишламоқчи бўлсангиз, унинг ўзига хос томонларини сақлашга ҳаракат қилинг. Шунингдек, расмингизда кийимнинг қайси мансабдаги ёки хизматдаги кишилар учун мўлжалланганлигини ҳам ёдингиздан чиқарманг. Сиз ишлаган кийим намунаси бутун бир ансамблни ташкил этсин.

Ўзингиз ишлаган кийим намунасини бетакроп бўлишлигига ҳаракат қилинг. У китобларда берилган ва мен кўрсатган кийимлар тасвиридан фарқ қилсин. Бироқ расмингизда ўзбек миллий кийимларига хос хусусиятлар билиниб турсин.

Доскада намоёниш этиш учун қўйилган кийим намуналаридан тўла кўчириб олиш мумкин эмас, бироқ улардаги айрим қисмларни, нақш элементлари, ранглари, шакллардан фойдаланса бўлади. Ўқитувчи шуни ҳам қайд қиладики, ўзбек кийимларининг намунасини яратиш учун уларни бошқа халқларнинг миллий кийимлари билан солиштириб кўриш керак бўлади. Шу мақсадда ўқитувчи болалар эътиборини бошқа халқлар кийимларига қаратади. Шундан сўнг болалалар мустақил равишда миллий кийим эскизини яратишга киришадилар. Кийим намунасининг рангтасвири ўқувчининг руҳсати билан амалга оширилади. Бунда ўқитувчи ҳар қайси болага алоҳида ёндашади. Чунки ижодий ишлар савияси ҳамма болаларда бир хил бўлиши мумкин эмас. Либосларнинг намунасини халқ усталари томонидан бадий анъаналар асосида тайёрланиши, кийимларнинг ранглари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Бунда у ўзбек усталари ёрқин тоза рангларни қиёқатда ёқтиришларини қапта қайта таъкидлаб ўтади. Сўхбат давомида ўқитувчи болаларга шуни ҳам етказиши керакки, кийимлар намунасини ишлашдан аввал ҳар бир ўқувчи уларни эркакларгами, аёлларгами, қишлоқми, ёшлиқми, баҳор ёки кузликми, ёшларгами, қарияларгами, бойгами, камбағалгами, зиёлигами ёки амалдоргами, руҳонийгами, оддий хизматчигами эканлигини яхшилаб ўйлаб олиши керак бўлади. Худди шуни ҳисобга олиб, кийим материали, унинг безак гули, ранги, композицияси танланади.

Дарс болаларнинг ижодий ишлари кўргазмасини ташкил этиш ва муҳокама қилиш билан якунланади.

Уйга синф ишhini якунлаш вазифа қилиб топширалади.

*Дарсининг мавзуси: Чет эл халқлари либослари эскизини ишлаш.*

**Дарсининг вазифалари.** Миллий кийимларнинг турли туманлиги, айрим халқларнинг миллий кийимларининг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш. Миллий кийимларнинг ҳар бир мамлакатнинг иқлими,

кишиларнинг яшаш шароитига боғлиқлиги ҳақида маълумот бериш. Кийимларни идрок этишга ўргатиш, ўқувчиларда бадий ижодий фаолликни ўстириш. Ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялаш.

**Дарсинг жиҳозланиши.** Чет эл халқларининг, шунингдек, миллий ўзбек кийимларининг фотолари, расмлари. Миллий кийимлар тасвирланган слайд, диапозитив ва диафильмлар. 17 расм.

**Дарсинг мазмуни.** Ўқитувчи миллий кийимлар ва уларнинг тузилиши, безак элементлари тасвирланган кўргазмани қуролларни болаларга намойиш этади. Улар йирик ўлчовда бўлиши ва ҳамма ўқувчиларга бемалол кўринадиган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Кийим эскизлари кичик ўлчовда бўлиши ҳам мумкин. Бунда уларнинг сони кўпроқ бўлиши лозим ва уларни қўлдан қўлга ўтказиб таништирилади. Кийимларнинг слайдларини, диапозитив ва диафильмларини намойиш этиш энг самарали воситалардан биридир. Бундай воситаларни ўқитувчининг ўзи тайёрласа ҳам бўлади. Бунинг учун оддий фотоаппаратлардан фойдаланилади.

Кийим тасвирларини намойиши уларнинг таҳлили орқали амалга оширилади ва у савол жавоб тарзида ўтказилади. Саволлар қўйидаги жиҳатларни ўз ичига олиш мумкин:

Бу кийим қайси халқларга хос деб ўйлайсиз? Нима учун?

Бу кийим қайси табақадаги кишилар учун мўлжалланган?

Бу кийим қайси мавсумда кийишга мўлжалланган?

Кийимни бундай тузилишда бўлишлигини сабаби нимада?

Кийим тахминан қайси ёшдаги кишилар учун мўлжалланган?

Нима учун?

Кийимнинг бадий безаги ҳақида қандай фикрласиз? (ранги, безак элементи, кийим турларининг шакллари):

Миллий ўзбек кийимларидан бу кийимларнинг фарқи нимада?

Чет эл халқлари кийимларидан қайси бири сизга кўпроқ ёқади?

Нима учун?

Бу суҳбат жараёнида болалар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар ўқитувчи томонидан тўлдирилиб ва тузатилиб борилади. Унда чет эл халқларининг кийимлари ҳақида фикр юритиш билан чегараланиб қолмасдан, балки болаларни умуман кийимлар, миллий ўзбек кийимлари ҳақидаги тушунчаларини тиклаш, шунингдек уларни бир бирлари билан солиштириш кўзланган мақсадни амалга оширишга самарали таъсир кўрсатади. Айниқса, кийимлар кишиларнинг ёшига, табақасига қараб ранги, гули, материали жиҳатидан турлича тикилиши, бош кийим, усткн кийим, оёқ кийимларга бўлиниши кабилар ҳақида қисқа бўлса да тўхталиб ўтиш фойдалидир.

Навбатдаги вазифа болаларни мустақил ижодий ишга ўтишларидан иборат. Бунинг учун ўқитувчи катта ўлчовдаги кишилар қомати (катта ёшли эркак, аёл ва ўғил, қиз бола) тасвирланган расмини доскага илиб қўяди. Болалар ўз ҳоҳишларига кўра бу расмдан бирортасини ўз дафтарларига чизадилар. У ўқувчи катта ёшли эркак кийиминими, аёл

кийиминими ёки болалар кийимини чизишни мақсад қилиб қўйганлигига боғлиқ. Шундан сўнг одам қомати устига кийим тасвири туширилади, сўнгра уни безаклари ва ранглари ишланади.

Болаларнинг мустақил ишлари ижодий характерда бўлишлиги талаб этилади. Бунинг учун болалар амалий ишга киришар эканлар, ўқитувчи доскада намойиш этилган кўргазмали қуролларни яшириб қўяди. Акс ҳолда айрим болалар кўчириб олишлари мумкин.

Уйга синф ишини давом эттириш ва яқунлаш топширилади.

*Дарсинг мавзуси: Китоб саҳифаларининг бадий безаги эскизини ишлаш.*

*Дарсинг вазифалари:* Китоб бадий безаги ҳақида маълумот бериш. Болаларни китоб мазмуни ва унинг бадий безаш ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш. Ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстириш. Расм орқали ўз фикрларини ифодалай олишга ўргатиш. Билимлар манбаи бўлган китобга муҳаббат уйғотиш ва уларни авайлаб асрашга ўргатиш.

*Дарсинг жиҳозланиши:* 1. Ўлчов, ранг, шрифт, безак композицияси жиҳатдан турлича китоблар. 2. Ўқитувчи томонидан бирорта китобга ишланган безаклар. 3. Китоб саҳифаларини безаш мавзусида ишланган параллел синф ўқувчиларининг ишлари.

*Дарсинг мазмуни:* Дарсинг янги мавзусини баён этиш қисми китоб ҳақида суҳбат билан бошланади. Бу суҳбатда китобнинг кишилар ҳаётидаги аҳамияти ҳақида гапирилади. Китоб билимлар манбаи, у кўпгина авлодларнинг тажрибасини ўзида акс эттирувчи хазина, у ўқитувчи ва тарбиячидир. Китоб ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида (саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, медицина, санъат ва в.б.) ишловчилар учун амалий кўрсатмалар беради. Мактабда у дарслик, турли халқлар ўртасидаги муносабатлар воситаси вазифасини ў айди. Айниқса, ҳозирда китобсиз Ватанни душманлардан ҳимоя қилиш, мураккаб техникани ўзлаштириб бўлмайди. Турли буюм ва озиқ овқатларни кўплаб ишлаб чиқаришни, фан ва санъат сирларини билиб бўлмайди. Усиз ўқимишли ва маданиятли кишилар тайёрлаш мумкин эмас.

Китоблар ўлчов, шакл, безак унсурлари, ранг, безак композицияси жиҳатидан ниҳоятда турли туман бўлади.

Китобларни яратиш иши билан кўпчилик мутахассислар шуғулланадилар. Китоб мазмунини ёзувчи ёзади, унинг безагини рассом бажаради. Китобнинг яратилишида ёзувчи ва рассомлардан ташқари муҳаррирлар, корректорлар, босмахона ходимлари ҳам иштирок этадилар.

Китобни осон ва тез ўқилиши учун рассомлар ҳам ўз санъатларини ишга соладилар.

Техника ривож топмасдан аввал китоблар қўл билан ёзилар эди. Китоб матнининг атрофлари ва оралари нақшлар ва расмлар билан юксак

бадий савияда безатилган. Қоғоз кашф этилмасдан аввал одамлар сопол, дарахт барглари, ҳайвон териларига ёзишган.

Айрим маълумотларга қараганда Республикамиз ҳудудда Самарқандда 650 йиллардаёқ қоғоздан тайёрланган китоблар бўлган.

XI асрда Хитойда, XV асрнинг 40 йилларида Германияда китоб босишни ихтиро қилиниши китоб тараққиётида янги даврни очди. Республикамиз босмахонасида биринчи бор кўп нусхали китоб 1868 йилда Тошкентда нашр этилди.

Китобларни нашр этишда рассомнинг роли бениҳоя катта. Рассомлар томонидан китобларга ишланган иллюстрациялар, безаклар китоб мазмунини аниқроқ ва тезроқ тушуниб олишга ёрдам беради.

Ҳадимги вақтларда ҳам китобларни безатишга алоҳида эътибор берилган. Аввалги даврларда Республикамиз ҳудудда яратилган китобларни безатишда рассомлардан Камолиддин Беҳзод, Султон Муҳаммад, Қосим Али, Маҳмуд Музаҳҳиб, Абдулло, Муҳаммад Мурод Самарқандийлар айниқса катта шухрат қозондилар.

XX асрнинг иккинчи яримларида Ўзбекистонда нашр этилган китобларни безатишда И.Икромов, В.Кедрин, М.Рейх, А.Ошейко, Қ.Башаров, И.Кириакиди, Т.Муҳамедов ва бошқа китоб безаги усталари етишиб чиқди. Улар китоб безаги санъатининг миллий бадий анъаналарини давом эттириб, катта ютуқларни қўлга киритдилар.

Китоб муқова жилди (суперобложка), муқова, титул варағи, бошбезак, зарҳал ҳарф (бош ҳарф), иллюстрация, яқуний безак кабилардан ташкил топади. Шеърий китобларда сатрлар орасида ҳам нақший безаклар тасвирланади. Китобнинг титул варағида муаллифнинг фамилияси, китобнинг номи, нашр этилган жойи, йили, нашриёт номи ва бошқалар ёзилади.

Китоб матнли бетининг юқори чети, баъзан варақнинг ўртаси бадий безатилади. Бу безак нақшли ёки мазмунли тасвирдан (шунчаки нарсалар тасвири бўлиши ҳам мумкин) иборат бўлади. У бош безак деб юритилади. Улар катта кичиклиги ҳақиқатдан турлича бўлиб, улар муваффақиятли тасвирланган тақдирда мазкур китоб бобини, баъзан бутун китоб мазмунини ўзида акс эттириши мумкин. Шу билан бирга бош безак бу бетни бадий безатиш вазифасини ҳам ўтайди. Бош безак ҳақида гап борганда унинг китоб варағидаги ўрни, ўлчови, ранги, шакли, тасвир унсурлари ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Уларни кўрсатишда эртақ, ҳикоя, шеър, дoston, масал, роман каби асарлардан фойдаланилади.

Зарҳал ҳарф китобнинг матнини ҳар бир боби ёки параграфининг биринчи ҳарфи ҳисобланади ва у йирик ҳолда ишланади, ранг билан нақш ҳақида турли реал тасвирлар безатилган бўлади. Зарҳал ҳарфлар кўпинча болалар эртақларида ва шеърий китобларда кўп қўлланилади. Зарҳал ҳарфлардан намуналар турли китоблардан, шунингдек, ўқитувчининг ўзи тайёрлаган кўрғазмали қуроли орқали кўрсатилади. Мисол учун “Ўзбек халқ эртақлари” китобини намуна сифатида ўрганиш ва болаларга кўрсатиш учун

тавсия этиш мумкин. Шу тўпламдаги эртаклардан биронтасини танлаб олиб, ўқитувчи шу асосда болалар билан иш олиб боради.

Ўқитувчи юқоридagi каби иллюстрация ва якуний безак ҳақида ҳам гапириб, уларнинг намуналарини турли китоблардан кўрсатади. Якуний безак ҳам бошбезак каби ўлчовда, рангда, шаклда китоб ёки боб охирида берилади. У кўпроқ китоб ёки унинг бобига хулоса ясайди. Ҳикоя, эртақ, масал, дoston ва бошқа бадий асарларда уларнинг мазмуни билан боғлиқ иллюстрациялар ҳам берилади. Китобларнинг матн қисмларининг атрофлари нақшли безак билан безатилиши ҳам мумкин. Ўқитувчи китоб безакларидан намуналар ҳам кўрсатади. 18 расм.

Китобларнинг ички безаги юзасидан умумий тушунчалар бериб бўлинганидан кейин ўқитувчи асосий вазифага ўтиб, уни тушунтиради.

Ўқитувчи эртақнинг қисқача мазмунини болаларга тушунтириб, унинг ички безагини кўрсатади, улар юзасидан савол жавоб ўтказади. Савол жавобдан сўнг иш юзасидан қисқача кўрсатма беради. У қуйидагича мазмунда бўлади. Безак ишларига киришишдан аввал бош безак, зарҳал ҳарф, якуний безак ишланадиган китоб бетларидаги матн ўрнини альбом вароғида белгилаб қўйилади. Шунингдек, бу вароқда бош безак, якуний безак ва зарҳал ҳарфларнинг ўз ўрнини ҳам белгилаб қўймоқ лозим. Китоб матни учун қолдирилган жойни альбом вароғининг чеккасиғача тақалмайди. Альбом вароғининг тўрт томонидан жой қолдирилади. Альбомга китобнинг матни ёзилади.

Ички акварель бўёқ, фломастер, тушь, гуашь билан бажариш мумкин. Безагга киришишдан аввал ўқитувчи кўрсатган китоб безакларини яна бир бор синчиклаб кўраб чиқилади ва улардан ижодий фойдаланилади. ҳеч вақт китоблардаги безаклардан кўчириб олишга рухсат этилмайди. ҳар бир ўқувчи мустақил равишда китобдаги безаклардан ўзгачароқ, янада қизиқарлироқ ишларга ҳаракат қилиши лозим.

Вазифа болаларга тушунарли бўлгач, ўқитувчи уларга мустақил ишга ўтказишга рухсат этади. Уш шартлараро юриб қилналоётган ўқувчиларга йўналтирилади.

Ўқитувчининг ишнинг бир хил катомарга йўл қўйганлари тақдирда бутун китобнинг ишнинг баъзи қисми, уларнинг катомарга тушунтирилади.

Дарёда ўқитувчининг мазмунини ўқитувчи ўқитқиллар юзасидан савол жавоб олиб бериб сўраб ўтказди. Саҳнада болалар эътибори қуйидагиларга қаратилади.

1. Китобларнинг ички безаги ҳақидаги ахминги нисбатда?
2. Китобларнинг ички безагини қайси оқда мутахосислари кўради, этаклар?
3. Китоблар қандай қисмларини танқили товади?
4. Китоб бадий безагининг қандай булақларини биласиз?
5. Қалимда қайси ўзбек мусалларлари китоб безаги бўйича ижод қилганлар?
6. Ҳозирги ўзбек график рассомларидан қимларини биласиз?

7. Супер : муқова, муқова, титул, бошбезак, якуний · безак, иллюстрация, зарҳал ҳарф кабиларнинг ҳар бирига алоҳида алоҳида таъриф беринг.

Ўқитувчи дарс охирида синфда ишланган энг муваффақиятли, ўрта ва бўш ишланган ишлардан намуналар ажратиб олиб, уларни ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилади, камчиликларини кўрсатади.

Уйга синфда ишланган китоб безакларига ўхшаш бирор бошқа композиция ишлашни, бошқа унсурлардан безак ишларини бажаришни вазифа қилиб топширади.

*Дарснинг мавзуси: “Ойгул билан Бахтиёр” дostonи асосида иллюстрация ишлаш.*

*Дарснинг вазифалари.* Ўқувчиларда ижодий қобилият ва бадий дидни ўстириш, тасвирлаш малакаларини ривожлантириш. Ахлоқий ва эстетик руҳда тарбиялаш.

*Дарснинг жиҳозланиши.* “Ойгул билан Бахтиёр” дostonи асосида В.Кайдалов томонидан ишланган иллюстрациялар. Самарқанд, Бухоро, Хива ёдгорликларининг тасвири. Миллий ўзбек кийимларининг расмлари. Шу мавзуга ишланган ижодий ишлар.

*Дарснинг мазмуни.* Янги мавзунинг баёнига ўтишдан аввал ўқитувчи адабий асарлар асосида расм чизиш хусусиятлари ҳақида қисқача суҳбат ўтказади. У қуйидаги мазмунда бўлади:

Сизга маълумки, адабий асарларга расомлар томонидан турлича мазмундаги расмлар ва безаклар ишланади. Бу расмлар иллюстрация деб аталади ва улар эртак мазмунини китобхонга янада тушунарлироқ бўлишига ёрдам беради. У асардаги воқеа, воқеа содир бўлган давр, ижобий ва салбий образлар ҳақида тўла тўкис тушунча беради. Расомлар бундай асарларга расм ишлаш учун аввало уни бир неча бор ўқиб чиқадилар.

Бундан ташқари улар асардаги воқеа билан боғлиқ мамлакатнинг табиати, кишилар ёки ҳайвонларнинг ҳаёти, турмуш ва уруш қуроллари билан танишадилар. Маълум тайёргарликдан сўнг асардаги айрим воқеалар асосида расм ишлайдилар.

Сўнгра ўқитувчи асосий масалада ўтиб болалар эътиборини Ҳ.Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” дostonи мазмунига қаратади ва суҳбатни давом эттиради.

Сиз “Ойгул билан Бахтиёр” дostonини адабиёт дарслигидан ўқиган бўлсангиз керак. унинг мазмунини яхшилаб эсланг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Жамбил томонда қандай воқеа рўй берди?
2. Душман халқни ўзига бўйсундириш учун нима қилди?
3. Қулларнинг бошлиғи ким эди?
4. Қуллар қандай қурооллар билан жанг қилдилар?
5. Исён натижаси нима билан тугади?
6. Хон Ойгулни нима қилди?

7. Тарлон ким эди ва у нима иш қилди?
8. Чол дарёдан ушлаб олган сандигини нима қилди?
9. Ойгул шоҳдан қутулиш учун нима иш қилди?
10. Бахтиёр ким, у Ойгул билан қандай учрашди?
11. Жамбилга қилинган ҳужум нима билан тугади?
12. Достондаги бош қаҳрамонлар кимлар?
13. Ойгул билан Бахтиёрнинг ташқи кўриниши, бўйлари, кийимлари ва тузилишларини қандай тасаввур қиласиз?
14. Достондаги салбий образлар кимлар ва уларни қандай тасаввур қиласиз?

Энди бир ўйлаб кўринг чи, достоннинг қайси қизиқарли жойларига иллюстрация ишласа бўлади? Балки достоннинг ушбу ерига:

“Даҳшат ичра ёниб хон,  
 Ҳар томон қилди фармон.  
 Тўхтамай довул қилди,  
 Майдонларга ўт ёқди.  
 Ўз ҳолига қилиб ор,  
 Тикиб қатор қатор дор,  
 Кўзларига тўлиб қон,  
 Тани заҳарга ботди”

Ёки: “У бир кун жуда ҳорди:

Озгина тин олгани  
 Бироз эркин қолгани  
 Дарё лабига борди  
 Ва шу чоғда қари чол  
 Бир нарса кўриб қолди  
 Ҳовлиқиб, бўлиб хушҳол,  
 Қаққайиб туриб қолди.  
 У йўқ эди ўзида,  
 Бир сандиқ сув юзида  
 Лопиллаб келар эди  
 Тўлқиндай слар эди” деган жойинга расм ишларсиз.

“Бозорда қари чолни  
 Ўғри дея тутдилар.  
 Ура сура шўрликни  
 Подшо сари элтдилар.  
 Подшо ҳам ғазаб билан:  
 Бу нима? деб сўради.

Ёки: “Балиқ қорнин ёрганда,  
 Пичоқ белга борганда,  
 Чол бирдан чўчиб қочди,  
 Бахтиёр ғазаб сочди.  
 Балиқ қорнида шу он  
 Тебраниб уён буён,  
 Ойгул кўзини очди,

Ва Бахтиёрни кўрди” деган жойига расм ишласа бўлади.  
Ўқитувчи суҳбатни яна давом эттириб, дostonдаги

Исён бостирилган кув,  
Дархонни қилиб тутқун.  
Саройга келтирдилар,  
Ясов тортиб қўшинлар,  
Савлат билан турдилар.  
Сўнг золим хонга улар  
Танитдилар Дархонни:  
“Шу бошлаган исённи,  
Шудир Дархоннинг ўзи,  
Мана бу Ойгул қизи. . .”  
Тикиларди золим хон,  
Тикилар эди Дархон,  
Ёндиргудай жаҳонни,  
Ўт бор эди кўзида,  
Зўр талваса юзида”

қисмига ҳам расм ишлаш мумкинлиги қайд қилинади. Агарда шу лавҳалардан бирига ўқитувчи ўзи расм ишлаб, уни болалар билан таҳлил қилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сўнг ўқитувчи болаларга намойиш қилинадиган иллюстрация юзасидан қўйидагича мазмунда саволлар беради:

иллюстрацияда кимлар ва қандай воқеа тасвирланган?  
уни қандай билиш мумкин?  
воқеа қаерда содир бўляпти?  
уни қандай билиш мумкин?  
хон билан Дархон ўртасида нима ҳақда гап бўляпти?  
воқеа қайси даврда рўй берган?  
уни қандай билиш мумкин?  
расм сизга ёқдими?  
нима учун ёқди?

Савол жавоб тугагач, ўқитувчи ундаги камчиликларни тўлдиради, хатоларни тузатади, жавобларни умумлаштиради.

Вазифани болалар онига етказишда ўқитувчи параллел синф ўқувчиларининг шу дostonга ишлаган расмларидан намуналар кўрсатиши ва уларни биргаликда таҳлил қилишлари яхши натижалар беради.

Шу мақсадда ўқитувчи 3 4 дона болалар расмларидан кўрсатиб, уни таҳлил қилади. Бу расмлар Ойгулни балиқ ичидан чиқиб келиши ёки шунга ўхшаш қизикарли лаҳзага тегишли бўлса, у болалар учун ниҳоятда таъсирли бўлади ва зўр иштиёқ билан таҳлил қилинади. Бундай лаҳзаларга ўқитувчининг ўзи расм чизиб келиши ҳам мумкин. Расмлар юқорида баён этилган мазмундаги саволлар ёрдамида таҳлил қилинади.

Сўнгра, ўқитувчи суҳбатни давом эттириб, энди сиз ҳам дostonдаги юқорида қайд қилиб ўтилган воқеалардан биронтасини расмини ишланг, деб болаларга мурожаат қилади. Расм ишлаш учун сиз аввало воқеа қаерда содир

бўлганлигини, унда кимлар иштирок этишини, улар қандай кийинганликларини, улар атрофида кимлар борлигини ўйлаб олинг. Сўнгра асосий образни дафтарнинг қаерига тасвирлашни ҳам хаёлингизга келтиринг, деб кўрсатма беради. Расм ишлашда ушбу расмлардан фойдаланишингиз мумкин деб расм, откритка, репродукцияларни доскага илиб қўйилади. 19 расм.

Ўқитувчи, сиз чизган расмдаги воқеа қасрда рўй бераётганини билдириш учун унинг фонига уй ёки табиат манзарасини тасвирлашингиз керак, деб ўқтиради:

Агар расмдаги воқеа кўчада юз бераётган бўлса, бунда болалар Ўзбекистон маъморчилик ёдгорликларига оид расмлардан фойдаланишлари мумкин. Уларни фақат расм фонига ишланади.

Уйга синфда ишланган расмни яна бир кўриб чиқиш, камчиликларини тўлдириш, хатоларни тузатиш вазифа қилиб топширилади. “Ойгул билан Бахтиёр” номли достон асосида расм ишлаш кейинги иккинчи дарсда ҳам давом эттирилади.

Иккинчи дарсда ўқитувчи парталараро юриб, уй вазифасини кўздан кечиради. Улардан энг яхши ва ўртача, қониқарсиз ишланганларидан намуналар ажратиб олиб, уларни болалар билан биргаликда таҳлил қилади.

Таҳлилда қуйидагича саволлар берилади:

бу расмларнинг қайси бири сўзга ёқади?

нима сабабдан ёқади?

қайсилари ёқмади?

нима сабабдан ёқмади?

бу расмда қандай воқеа тасвирланган?

бундай воқеа тасвирланганлигини қандай билиш мумкин?

расмда асосий образ ким ва у қандай ишланган?

воқеа қайси фаслда рўй берапти?

уни қандай билиш мумкин?

расмдан воқеа қайси даврда бўлганлигини аниқлаш мумкинми?

қандай қилиб?

расм композицияси ҳақида қандай фикрдасиз?

Ёмон ва ўрта ишланган ишлар юзасидан ҳам саволлар берилиб, улардаги ютуқ ва камчиликлар аниқланади.

Савол жавоблардан сўнг ўқитувчи билдирилган фикрларни умумлаштириб, ҳар бир ўқувчига ўз расмидаги камчиликларини йўқотиш, хатоларини тузатиш юзасидан кўрсатмалар беради. Ўзи эса бу ишда қийналган болаларга ёрдам беради.

Болаларнинг расмлари бўлиш учун тайёр бўлгач, ўқитувчининг бўёқ билан ишлашга оид қисқача сўхбатидан сўнг уни бўёқга ўтадилар.

Сўхбатда ўқитувчи расмларда давр, йил фасллари, куннинг вақти, ижобий, салбий образларнинг тасвирланиши, ҳаво перспективаси, акварел ва гуаш бўёқлари билан ишлашнинг ўзига ҳос хусусиятлари ҳақида гапирди.

Шунингдек, суҳбатда кўргазмаларни қуролларни намойиш қилиш орқали ундаги рангларни таҳлил қилиб, болаларнинг бу соҳадаги вазифалари янада ойдинлаштирилади.

Дарс ҳар галгидек болалар расмларидан намуналар ажратиб олиш ва уларни таҳлил қилиш билан якунланади.

Уйга синф ишини давом эттириб, тугаллаш вазифа қилиб топширилади.

***Дарснинг мавзуси: “Алпомиш” дostonи асосида иллюстрация  
ишлаш.***

***Дарснинг вазифалари:*** Ўқувчиларни ижодий қобилиятлари, фаолликлари ва бадий дидларини ривожлантириш. Уларни ватанпарварлик ва ахлоқий руҳда тарбиялаш. “Алпомиш” дostonи ва унинг мазмуни ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш.

***Дарснинг жиҳозланиши:*** В.Кайдаловнинг “Йўлбарс билан учрашув” номли график иши. Унинг “Алпомиш” дostonига ишлаган график портретлари. Қадимий меъморчилик обидаларининг тасвирлари. Миллий ўзбек кийимларининг расмлари.

***Дарснинг мазмуни:*** Янги мавзунинг баёни “Алпомиш” дostonи мазмуни болаларнинг ёдига тушириш билан бошланади. Шу мақсадда ўқитувчи қуйидаги саволлар билан уларга мурожаат этади:

1. “Алпомиш” дostonи қачон яратилган?
2. У қайси халқлар халқ оғзаки ижодига хос?
3. Дostonнинг қисқача мазмуни қандай?
4. Дostonдаги асосий образлар кимлар?
5. Дostonдаги ижобий ва салбий образлар кимлар?

“Алпомиш” дostonининг мазмуни болалар хотирлаб олганларидан сўнг ўқитувчи дostonдаги қайси воқеаларга расм ишласа бўлади деб сўрайди. Болаларнинг бу саволга жавобларидан маълум бўладигани, дostonдаги қуйидаги жойларга расм ишласа бўлади: 1. Алпомиш Барчинни қутқараётган кўриниши. 2. Алпомишнинг ўз рақиблари билан қилаётган жанги. 3. Алпомиш ва Барчинларнинг тўйлари. 4. Алпомишнинг она юртида кутиб олиниши. 5. Алпомишнинг қайнотаси ва қайнонасини зулмидан қутқариш учун қилган ҳаракатлари. 6. Алпомишнинг зиндондаги ҳаёти. 7. Алпомишнинг зolim хонни ўлдириши. 8. Дусти Қайқубодни хон қилиб тайинланиши. 9. Алпомиш она юртига келиб, севгилисининг тўйи устидан чиқиб қолиши. 10. Алпомишнинг ҳукмдор Ултонтозни енгиши в.б.

“Алпомиш” дostonи ҳақида суҳбат давомида ўқитувчи шуни алоҳида таъкидлаши лозимки, “Алпомиш” дostonида кўчманчи чорвадор қабила аъзоларининг дунёқарashi, ижтимоий муносабатлари, аҳолининг турмуши, урф одатлари, қаҳрамоннинг сафарлари, кураш ва жангу жадаллари, Қўнғиротда тинчликни тиклаш ҳаракатлари билан боғлаб тасвирланган. Дostonнинг асосий госяси халқнинг ўз мустақиллиги ва бирлигини сақлаш, осойишталикни мустаҳкамлаш, инсоний фазилатлар, эзгу умид ва орзу

ниятларнинг ҳақсизлик, ёвузлик устидан албатта ғалаба қозониши ва бошқалар ҳисобланади.

Мардлик, ботирлик, ўз Ватани ва халқига содиқлик, душманга нисбатан чексиз нафрат каби олийжаноб фазилатлар дoston қаҳрамони Алпомиш, умр йўлдоши Барчин, синглиси Қалдирғоч, дўстлари Қоражон ва Қайқубод образларида бадий ифодасини топган. Алпомишнинг ҳамма сафарларида, унинг эзгу ниятларини амалга оширишда, зулм ва ёвузликка қарши курашида унинг дўстлари доимо унга йўлдош, ёрдамчи бўладилар. Сўхбат давомида ўқитувчи Алпомиш ва Барчин образларини ифода этган расsom В.Кайдаловнинг расмлари, от, одам тасвирларини намойиш этади. 20 расm.

Болалар dostonдаги юқорида қайд қилинган воқеа ва кўринишлардан бирортасини танлаб олиб, ўша воқеани ёки бирор персонаж расмини ишлайдилар. Болалар бу ишга киришларидан аввал ўқитувчи намуна тариқасида doston асосида ўзи ишлаган бир неча композиция вариантларини намойиш этиб, болалар ижодига йўл йўриқ кўрсатади.

Дарс охирида ўқувчилар томонидан ишланган расмлар таҳлил қилинади.

Уйга синф ишпани давом эттириш вазифа қилиб топширилади. Мавзу икки дарсга мўлжалланганлиги учун уни келгуси дарсда давом эттириб тугалланади.

**Дарснинг мавзуси:** “Наврўз байрами” мавзусида табрикнома ишлаш.

**Дарснинг вазифалари:** Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятлари, тасвирий малакаларини ўстириш. Болаларни Наврўз Шарқ халқларининг анъанавий байрами ҳақидаги тасавурларини кенгайтириш.

**Дарснинг жиҳозланиши.** Наврўз мавзусида ишланган табрикномалар.

Ўқитувчи томонидан тайёрланган табрикнома намуналари.

**Дарснинг мазмуни:** Дарс Наврўз байрами ҳақида сўхбат билан бошланади. Бу сўхбат тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

Наврўз форс тожик тилида “янги кун” маъносини билдиради ва у Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг анъанавий қадимий Янги йил байрами ҳисобланади. Йилнинг бошланиши баҳорги кун билан туннинг баравар келиши ва табиатнинг баҳорги уйғовиши (21 март)йил боши ҳисобланган. Тарихий манбаларга қараганда, Наврўз байрами аҳмонийлар давридан бошлаб анъанага айланган ва Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон халқларида энг катта байрамлардан ҳисобланган. Наврўз байрами муносабати билан подшолар халққа тортиқлар улашганлар, маҳбусларни озод этганлар. Умар Хайёмнинг Наврўзга бағишланган асарида баён этилишича, бу байрамни ўтказиш учун қондалар жорий қилинган. Хусусан, уй жойларни тозалаш, гул ва дарахтлар ўтказиш, ота она, яқин кишилар билан дийдор кўришиш, марҳумларнинг қабрларини зиёрат қилиш одат бўлган. Ўзбек халқида Наврўз байрами муносабати билан сумалак, ялпиз сомса тайёрланган. Ёшлар Наврўз кунини кечасини ўйин кулги билан ўтказишган. Байрамнинг биринчи кунинида отчопар, улоқ, кураш, дор ўйини, сайллар ўтказилган.

Бундай тушунтиришдан сўнг болалар эътибори байрам муносабати билан тайёрланадиган табрикномаларга қаратилади. Кишилар бу улуг байрам арафасида ўз яқинларини (бува ва бувилари, ота оналари, устозлари, ака укалари, опа сингиллари, дўст биродарлари, дугоналари, қариндош уруғлари в.б.) табрикнома орқали табриклайдилар.

Табрикномалар нашриётлар томонидан тайёрланиб, босмаҳоналарда нашр этилади. Улар шакл, ранг ва мазмун жиҳатдан ниҳоятда турли туман бўлади. Намуналар болаларга кўрсатилиб, таҳлил қилинади.

Табрикноманинг устки кўриниши, асосан, ёзув ва расм қисмларидан иборат бўлади. У шакл, ранг жиҳатидан киши эътиборини ўзига тортадиган, бадий дид билан безатилган бўлиши лозим.

Табрикноманинг устки ёзув қисми, расми унинг ичидаги матни билан боғлиқ бўлади. Табрикномалардаги ҳарфларнинг ўлчовлари унинг умумий ўлчовига нисбатан олинади. Ўқитувчи намуна сифатида ўқувчиларга кўрсатадиган табрикнома безаги уч хил кўринишда тасвирланган бўлади. Уччала намунанинг ёзув қисми бир хил, лекин уларда тасвирланган расмлар ҳар хил бўлиб битта матни ифодалайди.

Табрикномадаги расмлар, ёзув қисмларининг бир биридан фарқи ва ўхшашликларини тушунтириш учун ўқитувчи болаларга шундай саволлар бериши мумкин:

Табрикномадаги асосий нарса нима, ёзув қисмими ёки расмларими? Бу уч намунада ёзувлар қандай жойлашган ва уларнинг бир биридан фарқи борми? Табрикномада расмлар қандай жойлашган ва уларнинг бир биридан қандай фарқи бор? Бу ердаги сариқ ва яшил ранглар нимани билдиради?

Сўнгра ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштиради. Расмлар ва табрикноманинг номини ва мазмунини бойитиб, матн қисмини ўзида акс эттиради. Бу ердаги табрикнома номлари ҳар хил ўлчовли ва ҳар хил кўринишда ишланган бўлиб, у расмларнинг жойлашуви ва ўлчовига боғлиқ бўлади. Расмлардаги пушти, сабза, яшил, барикарам ранглар табиатнинг баҳорги уйғонишини билдиради.

Ўқитувчи чизишга рухсат этишдан аввал табрикномани чиройли ишлаш учун уни содда, мазмунли ва кўриниши аниқ бўлиши лозимлигини уқтиради. Ундаги ҳарфларнинг текис ва бир хил бўлишига эришмоқ лозим. Табрикномани безатишда рангларга алоҳида эътибор берилади. Ёзув қисми билан расмларни бир бутун деб қараб, уларда рангларнинг бир бирига мослашувиغا эътибор берилиши керак. Шунингдек, ранглар бир меъёрда бўлиши лозим.

Навбатдаги иш болаларга табрикномани ишлаш йўлини тушунтиришдан иборат. Бунинг учун ўқитувчи табрикноманинг ўлчови, унинг устки қисмига ёзиладиган матни ва расмларни намуна тариқасида кўрсатади. Болалар улардан ижодий тарзда фойдаланиб, табрикнома тайёрлайдилар.

Бу тайёрланадиган “Табрикнома” да . . . йил 21 март сўзлари, турли туман гуллар, қушлар, нақшлар тасвири ифодаланган бўлади. 21 расм.

Шундан сўнг ўқитувчи вазифани бажаришга киришиш лозимлигини айтади ва ўзи эса ўқувчиларга ёрдам бериб боради.

Дарс охирида яхши ва бўш ишланган ишлар таҳлили уюштирилади. Болалар томонидан тайёрланган табрикномаларнинг энг яхшиларидан мактабда ўтказиладиган кечаларда, ота оналарни табрикларда фойдаланиш мумкин.

Синфда бажариб улгурилмаган ишларни уйда тугатиш, синфда вазифани бажариб улгурганларга табрикноманинг янги композициясини бажариш вазифа қилиб топширилади.

**Дарснинг мавзуси: “Широқ” афсонаси асосида иллюстрация  
ишлатиш.**

**Дарснинг вазифалари:** Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятлари ва тасвирий малакаларини ўстириш. Уларни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялаш.

**Дарснинг жиҳозланиши:** “Широқ” афсонаси асосида ишланган қоралама, композиция вариантлари. 2500 йил бурунги одамларнинг кийимлари ва ҳарбий қурооллари ҳамда ўтов расмлари.

**Дарснинг мазмуни:** Ўқитувчи болаларга тошшириқ беришдан аввал уларни “Широқ” афсонасининг мазмуни билан таништиради. Уни ўқитувчи сўзлаб бериши ёки савол жавоб шаклида ташкил этиши мумкин. Машгулот савол жавоб шаклида ўтказиладиган бўлса у қуйидагича бўлади.

Айтингчи, “Широқ” афсонасининг мазмуни қандай?

Широқ ким ва у неча ёшда? Рустак чи? Дарявуш чи?

Рустак ўтови ичида оқсоқолларга нима ҳақида гапирди?

Оқсоқолларчи?

Широқ ўтовга кириб Рустакка нима деди?

Широқ Рустак хонасидан қайси аҳволда чиқди?

Кўчманчилар Широққа қандай ёрдам кўрсатдилар?

Широқ Дарявушга нима деди?

Эрон шоҳи лашкарлари Широқни қандай жазоладилар?

Воқеа қандай тугади?

Широқ нима учун ўзини қурбон қилди?

Энди ўйлаб кўринг чи, эрамиздан аввал халқлар қандай яшаганлар, табиат кўриниши, иморатлар, одамларнинг кийинишлари қандай бўлган, шоҳ ва лашкарбоши, лашкарларнинг кўринишлари қандай бўлган? Улар билан аввалги синфларда танишган эдингиз. Уларни тасаввур этинг.

Навбатдаги вазифа “Широқ” афсонасидаги воқеалардан бирортасини танлаш ва шу асосда расм ишлашдан иборатдир. Қани айтинг чи, афсонадаги қайси воқеа ва кўринишлар асосида расм ишласа бўлади.

Бизнингча қуйидаги воқеа ва кўринишлар асосида расм ишласа бўлади:

1. Широқни ўтовда оқсоқоллар билан суҳбати.
2. Широққа Рустакнинг муружаати.
3. Широқнинг Дарявуш билан учрашуви.
4. Широқнинг душман лашкарларини саҳрода бошлаб бораётганлиги.
5. Душманнинг Широқни жазолаши.

6. Душманларнинг саҳродаги оғир аҳволдаги кўринишлари.

7. Широқнинг портрети.

Болалар ана шу воқеалардан бирортасини танлаб, уни ўз расмларида ифодалайдилар. Болалар топшириқни сифатли бажаришлари учун ўқитувчи уларга афсона асосида ўзи ишлаган композиция вариантларининг эскизларини кўрсатади. Уни ўқувчиларга тушунтиради. Болалар фойдаланишлари мумкин бўлган расмлар доскага илиб қўйилади.

Шундан сўнг ҳар бир ўқувчи ўзига маъқул бўлган композицияни тайёрлаш учун унинг эскизларини бир неча вариантда тайёрлайди. Ўқитувчи билан маслаҳатлашиб, улардан энг маъқулини оққа кўчиради. Шу билан биринчи дарсга яқун ясалади. Уйда уни давом эттириш ва бўяш учун тайёрлаб қўйилади. Иккинчи дарсда расмни бўяш амалга оширилади. Болалар расмни бўяшга киришишларидан аввал ўқитувчи топшириқ юзасидан қисқача суҳбат ўтказди.

Дарс охирида ҳар галгидек болалар томонидан ишланган ишларнинг кўргазмаси ўтказилади ва у атрофлича таҳлил қилинади. Муваффақиятли ишланган расм муаллифлари рағбатлантирилади.

Уйга синфда бажарилган ишларнинг камчиликларини тўлдириш, ҳатоларини тузатиш вазифа қилиб топширилади.

***Дарснинг мавзуси:*** “Насриддин Афанди ҳақида латифалар” номли китоб асосида иллюстрация ишлаш.

***Дарснинг мақсади:*** Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ва тасвирий малакаларини ривожлантириш. Китоб безаги ҳақидаги тушунчаларни кенгайтириш.

***Дарснинг жиҳозланиши:*** Т. Муҳамедовнинг “Насриддин Афанди ҳақидаги латифалар” номли китобга ишлаган иллюстрациялари. Рассом Т.Жамолiddиновнинг “Бозорда” номли асарининг репродукцияси.

***Дарснинг мазмуни:*** Ўқитувчи Насриддин Афанди ҳақида суҳбат ўтказди ва у бу ҳақда куйидагиларини баён этади. Насриддин Афанди Шарқ оғзаки ижодида кенг тарқалган ҳажвий латифаларнинг қаҳрамони. Шу қатори ўзбекларда уни Афанди, туркларда Хўжа Насриддин, қozoқларда Хўжа Носир, озарбайжонларда Мулла Насриддин деб аташади. Насриддин Афанди ҳақиқатгўй, адолатли, инсонпарвар, камбағалпарвар халқ қаҳрамони бўлиб, ноинсоф, ғаразгўй, мараз каби салбий характердаги кишилар устидан кулади. Афанди образи яратилганига минг йилдан ошган. У ҳақда XIX асрнинг биринчи ярмида Истамбулда, кейинчалик Европада китоб нашр этилган. Ўзбекистонда эса унинг таржимаси 1962-1963 йилларда пайдо бўлган. Кейинчалик Ўзбекистонда Афанди ҳақида янги латифалар яратилди ва нашр этилди. Бу китобларга истеъдодли ўзбек рассоми Телман Муҳамедов, Уста Мўмин, Темурғолиб Жамолiddиновлар иллюстрациялар, А. Мухторов кабилар катта кичик ҳайкалчалар ишлаганлар. 22 расм.

Ўқитувчининг навбатдаги вазифаси болаларни Насриддин Афанди ҳақида қандай латифалар борлигидан хабардор этишдан иборат. Бунинг

учун у болалардан Насриддин ҳақида қандай латифалар борлигини сўрайди ва болалар бу латифаларнинг қисқача мазмуни ҳақида сўзлаб беришади.

Ўқитувчи Насриддин Афандининг ҳозиржавоб, ақлли ва айёрлиги ҳақидаги ушбу латифани болаларга айтиб бериши уларни янада фаоллаштириб юборади. Унинг мазмуни қуйидагича: Насриддин Афанди якшанба кuni яёв юриб, чарчаб бозордан келаётган эди. Уни кўчада яхши кийинган отлиқ одам тўхтатди ва “Сиз мабодо Насриддин Афанди эмасмисиз” деб сўрабди. У ҳа, мен ўша одамман деганидан сўнг отидан тушибди ва Насриддинга қараб, мен сизни машҳур алдоқчи эканлигингизни эшитиб узоқ мамлакатдан келятман. Мен ўша мамлакатдаги ва дунёдаги энг алдамчи одам бўламан. Мени дунёда ҳеч ким алдай олмаган. Мен ҳаммани алдайман. Сиз машҳур алдоқчи бўлсангиз ҳам, мени алдай олмаслигингизни исботлаш учун келдим. Ҳани, мени алдаб кўринг чи, алдай олмайсиз, дебди. Унга жавобан Афанди: “Очигини айтсам, сизга ўхшаганларни бир зумдагина алдаб кетаман. Буни менга ҳеч қандай қийинчилиги йўқ, фақат алдаш учун ишлатиладиган халтачам уйда қолган эди. Отингизни бериб турсангиз, шу халтамни уйдан олиб келган бўлар эдим. Сўнгра сизни алдашга ҳаракат қилардим, ” дебди. Мусофир бунга рози бўлибди. Афанда эса отни миниб, уйига жўнаб кетибди ва у қайтмабди. Хотини тайёрлаб қўйган паловни тўйиб еб, кўк чойларни ичиб, маза қилиб ётаверибди. Мусофир кечга ача уни кутиб, Афанди алдаб кетганлигини сезиб, қойил қолиб, уйига қайтиб кетган экан. Шундан сўнг ўқитувчи, қани ўйлаб кўринг чи, Насриддин Афанди ҳақида қандай кинофильмлар яратилган, уларда қандай қизиқарли воқеалар бор? деб сўрайди.

Болалар ўзлари билган ва кинофильмларда кўрган воқеаларни гапириб берадилар.

Болаларга топшириқ ана шу қизиқарли воқеа ёки кўринишни расмда тасвирлашдан иборат. Иш рангтасвир, қаламтасвир, ҳайкал тарзида бажарилиши мумкин. Ўқувчилар ишга киришишларидан аввал ўқитувчи уларга Афанди образи, унинг кийимлари, эшаги, уларнинг ўлчовлари, ранглари ҳақида кўргазмали тарзда маълумот беради. Шунингдек, тасвир фақат Афанди ва унинг эшагидан иборат бўлиб қолмаслиги, уларни теварак атроф, яъни одамлар, уйлар, аравалар, табиат манзаралари билан ишлаш лозимлигини ҳам ўқитирилади.

Болалар Афанди ҳаётидан олинган хоҳлаган мавзулари асосида тасвир ишлашга киришадилар. Ишланадиган расм, ҳайкални болалар жамоа бўлиб ишлашлари ҳам мумкин. Бунинг учун улар икки, уч ёки тўрт болалар ўзаро келишиб оладилар ва ким ниманинг тасвирини ишлашини бўлишиб оладилар.

Масалан, эшак устида кетаётган Афанди ҳайкалини икки ўқувчи ишламоқчи бўлса, уларнинг бири эшак, иккинчиси Афанди ҳайкалини ясайдилар. Сўнгра уларни бирлаштириб, “Бозорга кетаётган Афанди ” мавзусида композиция тайёрлайдилар.

Ўқитувчи яна шуни ҳам ҳисобга олиши лозимки, бажариладиган иш хоҳ расм, хоҳ ҳайкал ишлаш бўлсин, уни маълум тайёрғалик асосида олиб

боришни болаларга тушунтириш лозим. Бу тайёргарлик Афанди, эшак, атрофдаги бошқа нарсаларнинг (бино, ҳайвон в.б.) қораламаларини, композиция варинатларини ишлашдан иборат. Композиция варинатларини ўқитувчи доскада ёки кургазмали қуроллар ёрдамида схематик тарзда кўрсатиши мумкин.

Агар синфда топшириқни ҳайкал тарзида бажарадиган ўқувчилар бўлса, ўқитувчи бу ҳақда ҳам болаларга айрим кўрсатмалар ва маслаҳатлар беради.

Болаларнинг мустақил ишлари жараёнида ўқитувчи синфда муваффақиятли бажарилган ишлардан намуналар кўрсатиб, уларнинг муалифларини рағбатлантириб туриши мақсадга мувофиқдир. Ўз ўрнида бу бутун синф ишини фаоллаштиришга ва ижодий йўналтиришга имкон беради.

Уйга синфда бажарилган ишни давом эттириш ва уни яқунлаш вазифа қилиб топширилди.

### *Дарснинг мавзуси: Намоён учун безак эскизини ишлаш*

**Дарснинг вазифалари:** Болаларни уй безаги ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш. Уларни ижодий фаоллиги ва бадий эстетик дидларини, тасвирлаш малакаларини ривожлантириш.

**Дарснинг жиҳозланиши:** Халқ усталари томонидан ишланган намоёнларнинг репродукциялари ва фотолари. Ўқитувчи ва болалар томонидан ишланган намоён эскизлари.

**Дарснинг мазмуни:** Бу мавзуда болалар расм ишлашга киришларидан аввал ўқитувчи уларга миллий услубда безатиладиган, ўзбек хонадонлари, шунингдек, жамоа бинолари ҳақида сўзлаб беради. Бунда болалар эътиборини ўзбек хонадонларининг деворлари, шилари турлича нақшлар, уй деразалари, айвон, эшик ва тахмонлар безатилишига қаратади. Улар орасида уйлارнинг ички деворлари ва уй тоқчаларини безатишда “Намоён” деб аталадиган безак турларидан кенг фойдаланилган лиги ҳақида тўхталиш лозим.

Намоён безак элементи ҳисобланиб у мустақил бир композицияга эга. Улар ҳам ислимий, ҳам гириҳ, шунингдек гулли гириҳ услубларда меҳроб ёки тўртбурчак шаклининг ичига ишланади. Ўқитувчи мавзуга оид кўргазмали қуролларни фотолар, имкони бўлса слайда, диапозитив, диафильмлар ёрдамида кўрсатиб, уларнинг композицияси, безак элементлари, ранглари ҳақида маълумотлар беради. 23 расм. Улар ҳам наққошлик, ҳам ганчкорликда ишлатилади. Намоён элементи сифатида кўпинча дарахтлар, гуллар, ўсимликлар, гулдон, геометрик шакллардан фойдаланилади. Ганчдан ишланган намоёнлар устидан буёқ берилиши ҳам мумкин.

Намоённинг расмини ишлаш учун аввало юқорида қайд қилинганидек меҳроб тасвири ишлаб олинади, сўнгра қаламни қоғозга босмасдан асталик билан ёрдамчи чизиқлар билан ҳар бир бола ўзича

композиция тузиб олади. Композиция ўқитувчи кўрсатганидан, ҳам шаклан, ҳам мазмунан, ҳам ранг жиҳатдан фарқ қилади.

Болалар имкониятлари даражасида топшириқни бажарадилар. Ўқитувчининг кўргазма сифатида тайёрлаган материаллари дарс охиригача доскада осиглиқ туради. Болалар улардан ижодий фойдаланадилар.

Уйга синф ишhini давом эттириш ва рангда тугаллаш вазифа қилиб топширилади.

*Дарсинг мавзуси: Китоб муқоваси учун эскиз ишлаш.*

*Дарсинг вазифалари:* Ўқувчиларни китоб муқоваси, унинг бадий безаги, тайёрлаш жараёнлари ҳақидаги тасаввуларини бойитиш ва чуқурлаштириш. Китоб муқовасини тайёрлаш билан боғлиқ бадий ижодкорлиқни, расм ишлаш малакалари, бадий эстетик дидни ўстириш.

*Дарсинг жиҳозланиши:* Жаҳонга машҳур мумтоз, ҳозирги замон ўзбек, шунингдек чет эл шоир ва ёзувчиларининг китоблари, юксак бадий савияда ишланган китоблардан намуналар. Бир китоб муқовасига ишланган бир неча композиция вариантлари.

*Дарсинг мазмуни.* Дарс ўқитувчининг китоб ҳақидаги суҳбати билан бошланади. Унинг мазмуни қуйидагича бўлиши мумкин:

Рассомнинг фаолияти фақат дастгоҳли рангтасвир, ҳайкал, графика асарини яратиш билан чегараланмайди, унинг китоб безагидаги меҳнати ҳам катта. Бу хусусан, китобни тайёрлаш ва унинг бадий безагини ишлашда кўзга ташланади. Китобни босмахонага тушишига қадар рассом муқова эскизини ҳам тайёрлайди. Рассом китоб муаллифи, муҳаррири билан маслаҳатлашиб муқова эскизининг бир неча вариантини тайёрлайди. Улардан энг яхшиси китоб учун танлаб олинади.

Китоб муқовасининг эскизини, яъни намунасини ишлаш учун рассом китобнинг асосий мазмуни, унинг ўлчови, форматини ҳисобга олади.

Китобни бадий безашдан мақса, биринчидан уни чиройли қилиш, иккинчидан китобдаги асосий ғояни ва мазмуни китобxonга тез етказишдан иборатдир.

Китобнинг муқоваси фарзац ва титул вароқ билан бошланади. Муқовадан кейин форзац, ундан кейин титул келади. Форзац баъзибир китобларда бўлмаслиги ҳам мумкин. Форзац гулли, расмли ёки сидирга бўлади.

Титул варақда китоб муаллифи, унинг исми, китоб нашр этилган шаҳар, нашриёт номи, чиқадиган йили ёзиб қўйилади. Муқовада шрифтдан ташқари расм, нақш ва фотолар ҳам акс этади ва улар шрифт билан узвий боғланган бўлади.

Муқова эскизини ишлашда ундаги элементлари (китоб муаллифининг фамилияси, китоб исми, муқовадаги тасвир в.б.) бир бутун композицияга бўйсундириб ишланади. 24 расм.

Муқова ҳақидаги умумий суҳбатдан сўнг ўқитувчи бирорта халқ эртаги асосида ишланган китоб муқовасининг композиция вариантларини

кўрсатади ва уларни болалар билан таҳлил қилади. Шундан сўнг ўқитувчи болалар ўйлаб кўринг чи, муқова эскизларини қайси бири сизга кўпроқ ёқади? Уларни бир биридан қандай фарқи бор? Солиштирганда муқовадаги элементлар, уларнинг шакли, ранги ва тасвирлари китоб мазмунига қанчалик мос тушади? деб мурожат этади ва у болаларни фаоллаштиради. Сўнгра Ҳ.Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” номили достонини болаларга эслатади ва бу китоб учун муқова эскизини ишлаш лозимлигини қайд қилади. Эскиз ишлаш учун аввало достондаги бирорта қизиқарли воқеа танлаб олинади.

Амалий иш китоб форматини белгилаб олишдан бошланади. Бунда китоб муаллифи, китоб номи учун жой ажратиб қўйилади. Муқова ёзиладиган шрифтни ҳам белгилаб олиш керак бўлади. Хоҳловчилар унча мураккаб бўлмаган расм ҳам ишлашлари мумкин.

Шрифтлар ниҳоятда турли туман бўладилар, масалан ёзма шрифт, босма шрифт, курсив шрифт, плакат шрифт в.б.

Иш аввалига қаламда бажарилади. Эскиз ишлашда шошмаслик лозим. Чунки композициянинг энг яхши вариантини топиш анча қийинчилик билан амалга оширилади. Композицияни оригинал вариантини хомаки ишлар орқали қидириш лозим. Охирида у бўёқ билан ишланади. Ўқувчилар эскиз ишлашда ўқитувчи билан тез тез маслаҳатлашиб туришлари керак бўлади.

Дарс болаларни синфда бажарган ишлари кўргазмасини ташкил этиш ва уларни таҳлил қилиш, болаларга китоб муқоваси юзасидан берилган тушунчаларни қайтариш билан якунланади.

Уйга синф ишини якунлаш вазифа қилиб топширилади.

### *Дарснинг мавзуси: Мустақиллик йилларида ўзбек амалий санъати*

*Дарснинг вазифалари:* Ўқувчиларда мустақиллик йилларида халқ амалий санъатининг тараққиёти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, халқ усталари билан таништириш, уларнинг асарларини идрок этишга ўргатиш. Ўқувчиларни бадий дидини ўстириш ва бадий фикр доирасини кенгайтириш.

*Дарснинг жиҳозланиши.* Мустақиллик йилларида ижод қилаётган усталарнинг фотолари. Шу даврда яратилган юксак бадий савияли амалий санъат намуналарининг фото нусхалари, слайдлари, диапозитивлари ва диафильмлари.

*Дарснинг мазмуни:* Ўзбекистоннинг мустақиллиги миллий маданиятимиз, айниқса халқ амалий санъати ва хунармандчилиги тараққиётига кенг йўл очиб берди. Ҳадимдан ривож топиб келаётган наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, бадий кулолчилик, мисгарлик, каштачилик турлари яна гуркираб ўса бошлади, унинг миллий бадий анъаналари янада ривожланмоқда. Санъатни унутилиб кетган айрим турлари ҳисобланган матога гул босиш, суяк ва тош ўймакорлиги, заргарлик, пичоқчилик, гиламчилик турлари қайта тикланди. Амалий санъат

ва халқ ҳунармандчилигининг янги турлари чинни ҳайкалторош лиги, чармда миниатюра ишлаш, инкрустация, қовоқ шаклига нақшлар билан ишлов бериш каби турлари пайдо бўлди ва бу йўналишларда усталар юксак кўтаринглик ва маҳорат билан меҳнат қилоқдалар.

Ўзбекистонда миллий амалий санъат ва ҳунармандчиликни ривожлантиришда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 10 июль 346 сонли қарориди 1997 йилги “Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарори алоҳида аҳамият касб этди. Ана шу қарор асосида “Мусаввир” илмий ишлаб чиқариш Маркази ташкил этилиб, унинг қошида “Хунарманд” уюшмаси фаолият кўрсата бошлади. Бу уюшма ўз сафларига минглаб тажрибали, шунингдек, ёш усталарни бирлаштирди. Уларнинг ижодий ишлари учун ҳар томонлама шарт шaroитлар яратиб берилмоқда, маънавий ва моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Уюшманинг деярли барча вилоятларда бўлиналари очилган бўлиб, у ердаги усталар маҳаллий амалий санъатни миллий бадий анъаналарини ривожлантириб юксак бадий савияли асарлар яратмоқдалар. ҳозирги замон халқ усталаридан А. Акбаров, А. Абдуллаев, А Умаров, С. Раҳматуллаев, А.Каримов, М. Муродов, Б. Раҳмонбердиев, Н. Облақулов ва бошқа усталар хорижий мамалакатларда ўтказилган қатор кўргазмаларда ўз асарлари билан қатнашиб келмоқдалар. Жумладан, Франциянинг Париж шаҳрида, Олмонининг Берлин шаҳрида, Малазиянинг Куала Лумпур шаҳрида, Япониянинг Токио шаҳрида, ҳиндистонинг Деҳли шаҳрида, Москва ва Олмаота шаҳарларида ўтказилган кўргазмалар шулар жумласидандир.

Мустақиллик йилларида собиқ Иттифоқ давридаги кўплаб тайзиқ остида бўлган миллий амалий санъат турларидан, наққошлик, ганчкорлик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги, бадий кулолчилик, каштачилик каби турларининг бадий анъаналарини тажрибали усталардан О. Файзуллаев, С. Раҳматуллаев, А. Азларов, М. Раҳимов, С. Отажонов, А. Назруллаев, З. Облобердиева, А. Рахимов, И. Комилов, М. ҳусаинов, А. Султонов, М. Усмонов, Х. Нуралиевлар давом эттирмоқдалар.

Ёш иқтидорли усталардан А. Раҳимов (Тошкент), М. Раҳимов (Риштон), Н. Облоқулов (Ургут), А. Назруллаев (Ғиждувон), М. Алимбаев (Бухоро), Х. ҳақбердиев (Самарқанд) кабилар бадий кулолчилик йўналишида самарали меҳнат қилоқдалар.

Наққошлик соҳасида эса М. Тураев, А. Илхомов, Б. Раҳмонбердиев, С. Шукуров, Х. Нуралиев, А. Каримов (Тошкент), А. Акбаров, М. Хусанов (Наманган), Ж. Жамолов, Ш. Маҳмудов, С. Маҳмудов (Қўқон), О. Эргашев, С. Акбаржонова (Андижон), М. Бобоев (Фарғона), Республикамизда шухрат қозондилар.

Ҳозирда ганч ўймакорлиги Тошкентда тез ривож топиб пойтахтимизнинг турли жамоат биноларини безатишда кенг қўлланилмоқда. Унинг вакиллари қаторига А. Султонов, А. Пўлатов, М. Султонов, М. Усмонов, М. Муродов, З. Юсупов, У. Тоҳиров, А. Умаров (Тошкент), Б.

Давлатов (Хоразм), А. Абдурахмонов (Қўқон) каби усталарни киратиш мумкин.

Ёғоч ўймакорлиги санъати қадимдан Хоразм, Бухоро ва Самарқандда ривож топган бўлсада, ҳозирга келиб Тошкентлик усталар бу йўналишда карвонбошилиқ қилмоқдалар. О. Файзуллаев, С. Раҳматуллаев, А. Абдурахмонов, А. Азларов, Х. Одиловлар шулар жумласидандир. Хоразмлик Х. Боғибеков, Андижонлик Й. Ўтаганов, Қўқонлик Х. Умаров, А. Абдуллаевлар ҳам ёғоч ўймакорлиги бўйича юксак бадий савияли асарлар яратмоқдалар.

Ўзбек каштачилик санъатининг асосини ташкил этадиган сўзана, жойнамаз, дўппи, нимча, зарчопон кабилар тикиш собиқ Иттифоқ даврида таназзулга юз тутган бўлса, ҳозирда бу соҳада кескин бурилиш рўй берди. Каштачи усталардан Х. Фуломова (Самарқанд), З. Облобердиева (Шофиркон), С. Раҳматуллаев (Сурхондарё), М. Атаева ( Сирдарё), Ш. Облокулова (Ургут), Н. Хонтўраева (Тошкент), С. Шомуродова (Қўқон), Г. Екабергенова (Қорақалпоғистон) кабилар амалий санъатни бу турини оёққа тургазишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Каштачилик соҳасида бир қатор вилоятларда хусусий устахоналар очилган бўлиб, уларда кўплаб ёшлар санъат сирларини ўрганмоқдалар ва юксак бадий савияли асарлар яратмоқдалар.

Заргарлик санъати ҳам йўқолиб бораётган санъат турларидан эди. Уни тиклаш ва ривожлантиришда ҳозирда Тошкентлик усталардан Ф. Дадамуҳамедов, Н. Холматов, Г. Тошевлар жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ўзбек халқ амалий санъатида янгидан пайдо бўлган йўналишлар ҳисобланган чиннидан ҳайкалчалар ишлаш, инкрустация, қовоқдан ишланган идишларни нақшлаш, чарм материалларга миниатюра ишлаш, газмолга гул босиш, тош ўймакорлиги каби санъат турлари бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Айниқса, пичоқчилик бўйича Андижонлик А. Муҳиддинов, Наманганлик А. Абдуллаев, тош ўймакорлиги бўйича Нуротанинг Ҳозгонидан Э. Абдуллаев, Х. Йўлдошев, А. Ҳайитовлар, чармда миниатюра ишлаш бўйича Тошкентлик С. Пўлатов, Б. Йўлдашевлар, қовоқдан ишланган идишларга минатюра ишлаш бўйича Тошкентлик С. Зиёмов, Б. Ҳожиметов, Ш. Рихсиевлар, газмол гул босиш бўйича Тошкентлик А. Раҳимов, чинни ҳайкалторошлиги бўйича тошкентлик Ш. Мўминова, мисгарлик санъати бўйича М. Мадалиевларнинг миллий амалий санъатни бу турларини тиклаш ва ривожлантиришдаги хизматлари катта бўлмоқда.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш лозимки, халқ амалий санъатини ривожлантириш мақсадида Миллий рассомчилик ва дизайн институтида Нукус, Бухоро, Наманган, Тошкент давлат педагогика университетларида амалий санъатдан малакали усталар тайёрлайдиган гуруҳлар ташкил этилган. Бу ўқув юртларини битирганлар Республикамызда амалий санъат турини ривожлантиришда катта рол ўйнайди.

Амалий санъатдан юқори малакали усталар етказиб чиқарадиган ўрта махсус ўқув юртлари санъат лицей ва колледжлари Тошкент, Бухоро, Навоий, Самарқандда очилган.

Хуллас, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ўзбек халқ амалий санъати ўзининг янги тараққиёт босқичига кирмоқда. Азалдан мамлакатимизнинг маданий марказларидан ҳисобланган Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Ғиждувон, Марғилон, Хива, Риштон, Шофиркон, Ургут, Хўжайли, Қўқон, Нурота, Фурумсарой, Асака, Чимбой, Шўрчи, Термиз, Урганч, Жарқўрғон, Денов, Ғаллаорол, Жиззах, Зомин, Наманган, Косонсой, Қарши, Шеробод, Бешкент, Хонқа, Нукус каби шаҳар ва қишлоқларимиз усталари ўзларининг қадимий шуҳратларини тиклаш мақсадида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Мазкур мазмулдаги суҳбат дарсида ўқитувчи мавзуга доир амалий санъат намуналарини слайд, диапозитив ёки диафильмлар ёрдамида намойиш этади. Улар бўлмагани тақдирда амалий санъат намуналарининг репродукциялари, фото нусхалари болаларга кўрсатилади. Намойиш савол жавоб тарзида ўтказилиши дарсда болаларни фаол бўлишларига ёрдам беради. 25 расм.

Шунингдек, дарсда машҳур амалий санъат усталарининг фото портретларининг кўрсатилиши ҳам фойдадан холи эмас.

Дарсда ўтилганларни мустаҳкамлаш учун болаларга қуйидагича саволлар берилади.

1. Мустақиллик йилларида ўзбек амалий санъатида рўй берган асосий ўзгаришлар нималардан иборат ?
2. Авваллари етарлича эътибор берилмаган амалий санъатнинг қайси турлари қайта тикланди ва гуркираб ўса бошлади?
3. Собиқ Иттифоқ даврида унитилган амалий санъатнинг қайси турлари пайдо бўлди ?
4. Мустақиллик йилларида амалий санъатнинг қайси янги турлари пайдо бўлди ?
5. Мустақиллик йилларида шуҳрат қозонган қайси усталарни биласиз ва улар амалий санъатнинг қайси турлари билан шуғулланадилар ?
6. Халқ амалий санъати ривож топган марказлар Республикаимизни қайси шаҳар ва қишлоқларида бор ?

Ўйда Мустақиллик йилларида ижод қилган халқ усталарининг ҳаёти ва ижоди ҳамда уларнинг асарлари юзасидан материаллар тўплаш ва альбомга ёпиштириш вазифа қилиб топширилади.

- Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997.
- Тасвирий санъат. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Тошкент: Шарқ, 1999.
- Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат таълими концепцияси. Тошкент, 2001. (Тузувчи Р. Ҳасанов.)
- Азимов И. Ўзбекистон нақшу нигорлари. Тошкент: Фафур Фулом, 1987.
- Апухтин О.К. Бадий нақш мактаби. Тошкент: Ўқитувчи, 1969.
- Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Тошкент: Меҳнат, 1994.
- Булатов С. Амалий санъат қисқача лугати. Тошкент, 1992.
- Круковская С.М. Искандар Икромов. Тошкент: Фофур Фулом, 1967.
- Матвеева Т.А. Мозаика и резьба по дереву. Москва: Высшая школа, 1989.
- Набиев М. Рангшунослик. Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
- Народное искусство Узбекистана. Тошкент: Гафур Гулям, 1979.
- Орипов Б. Тасвирий санъат дарслари самарадорлигини ошириш. Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
- Основы декоративного искусства в школе. (коллектив). Москва: Просвещение, 1981.
- Понамарков С.И. Декоративное и оформительское искусства в школе. Москва: Просвещение, 1979.
- Рахимов М. Художественная керамика Узбекистана. Тошкент, 1961.
- Ростовцев Н.Н. Методика преподавания изобразительного искусства в школе. Москва: Просвещение, 1974.
- Сергеев Б.С. Чеканка по меди в Узбекистане. Тошкент, 1962.
- Сухарева О.А. История Среднеазиатского костюма. Тошкент: Наука, 1982.
- Хворостов А.С. Декоративно прикладное искусство в школе. Пособие для учителей. Москва: Просвещение, 1981.
- Шпикалова Т.Н. Народное искусство на уроках декоративного рисования. Москва: Просвещение. 1974.
- Чепелевецкая Г. Сюзани Узбекистана. Ташкент, 1961.
- Эгамов Х. Бўёқлар билан ишлаш. Тошкент: Ўқитувчи, 1981.
- Қосимов Ҳ. Наққошлик. Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
- Ҳасанов Р. Мактабда тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш йўллари. Тошкент: Ўқитувчи, 1986.
- Ҳасанов Р. Тасвирий санъат дарслари (5 синф). Тошкент: Ўқитувчи, 1997.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Амалий безак санъати ва уни ўзига хос хусусиятлари.....	5
Машғулот ишланмалари. Ўзбек халқ амалий санъати.....	8
Амалий безак санъатида табиий шаклларни стилизациялаш.....	14
Чойнак учун таглик эскизини ишлаш.....	15
Хутича учун нақш эскизини ишлаш.....	16
Газмол учун безак эскизини ишлаш.....	17
Либослар.....	19
Ўзбек миллий либослари эскизини ишлаш.....	24
Чет эл халқлари либослари эскизини ишлаш.....	50
Китоб саҳифаларининг бадий безаги эскизини ишлаш.....	52
“Ойгул билан Бахтиёр” дostonи асосида иллюстрация ишлаш.....	55
“Алпомиш” дostonи асосида иллюстрация ишлаш.....	59
“Навруз” байрами мавзусида табрикнома ишлаш.....	60
“Широқ” афсонаси асосида иллюстрация ишлаш.....	62
“Насриддин Афанди ҳақида латифалар” номли китоб асосида иллюстрация ишлаш.....	63
Намоён учун безак эскизини ишлаш.....	65
Китоб муқоваси учун эскиз ишлаш.....	66
Мустақиллик йилларида ўзбек амалий санъати.....	67
Адабиётлар рўйхати.....	71